

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Ҳакимов Баҳром Ҳаким ўғли

**Мавзу: Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ишлаб чиқариш
корхоналарининг ўрни ва аҳамияти**

Мутахассислик: 5230100 – “Иқтисодиёт”

Бакалавр академик даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

Иф.н. доцент И. Махкамов

Наманган – 2015

Мавзу: Миллий иктисодиётини ривожлантиришда ишлаб чиқариш корхоналарини урни ва аҳамияти.

Кириш

I-боб Иктисодиётни модеренизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишни назарий асослари.

1.1 Миллий иктисодиёт таркибидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва уларнинг хусусиятлари.

1.2 Иктисодиётни еркинлаштиришда ишлаб чиқариш корхоналарнинг тузилиши ва уни белгиловчи омиллар.

1.3 Миллий иктисодиётини ривожлантиришда саноат корхоналарини урни ва аҳамияти.

II-боб Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари ҳозирги иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг таҳлили.

2.1 Вилоятдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг узига хос хусусиятлари.

2.2 «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонаси ташкилий иқтисодий асослари. .

2.3 «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонаси иқтисодий курсаткичлари ва унинг таҳлили.

III-боб. Иқтисодиёт ривожланишида ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш истикболлари.

3.1. Ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари

3.2. Минтакага хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш йўналишлари..

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги.

Мамлакатимиз мустакилликга еришгандан бери ижтимоий иктисодий сохаларигда катта узгаришлар булди. Мамлакатимиз рахбарияти олиб бораётган иктисодий сиёсати натижасида иктисодиётнинг барча тармок ва сохаларида катор ютуқлар кулга киритилмокда.

Президентимиз И.Каримов мамлакатимизда 2014-йилда тижтимоий иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилда мулжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йуналишларига багишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузасиларида шундай деган едилар:

“Утган йил якунларини сархисоб килар еканмиз, биринчи навбатда иктисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида баркарор усиш суръатларини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз ялпи ички махсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чикариш хажми 8,3 фоиз, кишлок хужалик ишлаб чикариш 6,9 фоиз, капитал курилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси хажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чикарилган махсулотларнинг карийиб 70 фозини кушимча кийматга ега булган тайёр махсулотлар ташкил етди.

Истеъмол товарларини ишлаб чикариш хажми 2014-йилда 9,4 фоиз, шу жумладан озик-овкат махсулотлари ишлаб чикариш 10 фоизга усди. Инфляция даражаси йил якунлари буйича 6,1 фозни ташкил етди. Бу прогноз курсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пасайди.”¹

Иктисодиётда еришилаётган бу каби ютуқлар авваламбор, иктисодиётни модеренизациялаш, диверсификациялаш буйича кенг куламли ишларни амалга оширилаётгани натижаси хисобланади.

¹ Президентимиз И.Каримов мамлакатимизда 2014-йилда тижтимоий иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилда мулжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йуналишларига багишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузаси.”Халк сузи” 2015 йил 17 январь

“ Юртимизда кабул килинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник технологик янгилашга доир тармок дастурларини изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юкори қушимча қийматга ега бўлган, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармокларини урни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни 7,8 фоиздан ортиги ана шу тармоклар хиссасига тугри келмоқда.

Утган йилда юкори технологияларга асосланган машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113 фоизга ва озик овқат саноати 109 фоизга усгани мисолида буни яққол қуриш мумкин. “² Бундай узгаришларни ва иқтисодий ҳолатни атрофлича урганиш саноат қорхоналари ихтиёрида яна қуплаб фойдаланилмаётган имқониятлар мавжудлигини қурсатиш мумкин. Мазкур имқониятларни ишга солиш ва юкори самарадорликка еришиш йулларини топиш зарурати вужудга келади. Бунда саноат қорхоналари олдида интенсив ривожланишга олиб келадиган қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни урганиш ва бартараф этиш орқали иқтисодий ривожланиш жараёнини янада жадаллаштириш мумкин.

Ишлаб чиқариш қорхоналарида олдида турган ана шундай муаммолардан бири қорхоналарда фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситаларини жисмонан ва маънавий ескирганлиги ва унинг оқибатида асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигини пастлиги, ишлаб чиқариш харажатларини ортиб кетишидир. Маҳсулот сифатини ошириш, экспорт салоҳиятини қучайтириш, ишлаб чиқариш харажатларини қамайтириш, меҳнат унумдорлиги ва фойда миқдорини устириш саноат қорхоналаридаги мавжуд имқониятлардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Шу сабабли, ишлаб

² И.Каримов 2014 йил юкори усиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имқониятларни сафарбар этиш, узини оқлаган ислохотлар стратегиясини давом еттириш йили булади.” Халқ сузи ” 2014 йил 18 январь.

чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш орқали ЯИМ даги улушини қупайтириш йуналишларини аниқлаш бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу муаммоларни ечимини топиш катта ижтимоий иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб битирув малакавий ишига мавзу сифатида танлашга асос бўлди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш масалалари бўйича мамлакатимиз ва хориждаги қатор олимлар ва тадқиқотчилар бир қатор изланишлар олиб борганлар.

Иқтисодиёт ва уни ривожлантиришда саноат корхоналарининг ўрни ва аҳамияти бўйича хориж олимларидан Н.Грункин, А.Жевтяк, И. Батухтин, Ю.Санамов, А.М.Либерман, Т.Б.Поляк, Б.Левкович, Л.М.Итин, А.Иоффе ва бошқалар қатор изланишлар олиб борганлар.

Мамлакатимиз олимларидан Ё.Абдуллаев, О.Абдуллаев, С.Ғуломов, Э.Махмудов, М.Шарифхўжаев, Ш.Холмўминов, М.Турсунхўжаев, А.Ортиков, Б.Махмудов, О.Казаков, А.Эгамбердиев, Т.Эргашев, Р.Аҳмедов, Р.Исмаатов ва бошқалар саноат корхоналарининг ривожланиш масалалари бўйича изланишлар олиб борганлар. Ушбу олимларнинг илмий ишлари ва тадқиқотларида саноат корхонаси фаолиятини самарадорлигини ошириш йўлида қатор таклифлар беришган. Саноат корхоналарининг ички тузилиши вақт ўтгани сари ривожланиб, такомиллашиб борадиган тизим бўлгани учун, бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ички тузилишни такомиллаштириш лозимлиги ва саноат корхонаси самарадорлигини ошириш орқали унинг иқтисодиётни ривожлантириш жараёнидаги таъсири кам ўрганилганлиги ва бу масала ҳозирги вақтда долзарб эканлиги ҳисобга олиб битирув малакавий ишига мавзу қилиб танланди.

Битирув-малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлашуви шароитида иқтисодиётни ривожлантиришда ишлаб чиқариш корхонасининг ролини ошириш бўйича илмий асосланган йўналишларни ишлаб чиқиш ва у асосида саноат корхонасининг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш битирув малакавий ишининг асосий мақсадидир.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш йўлида қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Миллий иқтисодиёт ривожидида ишлаб чиқариш корхоналарининг ўрни ва ролини аниқлаш
- Миллий иқтисодиёт таркибидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва уларнинг хусусиятлари;
- Иқтисодиётни еркинлаштиришда ишлаб чиқариш корхоналарнинг тузилиши ва уни белгиловчи омиллар;
- «MEGA TEKSTIL» ХК хорижий корхонаси иқтисодий хўжалик фаолияти натижаларини урганиш;
- «MEGA TEKSTIL» ХК хорижий корхонаси иқтисодий курсаткичлари ва унинг тахлили;
- Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодиёт ривожидидаги ўрни ва ролини ошириш йўллари.

Битирув малакавий ишининг предмети ва объекти.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва уларни минтақадаги ролини ошириш ҳамда фаолиятини амалга оширишдаги механизмлар, усуллар ва воситалар битирув-малакавий ишидаги тадқиқотнинг предмети бўлиб хизмат қилади.

Битирув-малакавий ишининг объекти сифатида Наманган вилоятидаги саноат корхоналари, жумладан Мега текстил корхонаси танланди.

Битирув-малакавий ишининг услубий ва назарий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий иқтисодиётда саноат корхоналари, иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ва мамлакат иқтисодий сиёсатида

оид асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, иқтисодий фаолияти ва унинг усулларида фойдаланиш масалалари бўйича хорижий ва мамлакатимиздаги олимларнинг илмий ишлари, вилоятдаги корхона ва ташкилотларда эришилган илғор тажрибалар битирув-малакавий ишининг услубий ва назарий асосларини ташкил қилади.

Битирув-малакавий ишининг амалий аҳамияти.

Битирув-малакавий ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида олинган хулоса ва таклифлар, саноат корхонасининг иқтисодиёт ривожланишидаги ролини оширишнинг илмий асосланган йўналишлари, корхоналар фаолиятини такомиллаштириш бўйича мулоҳазаларни амалда қўллаш катта иқтисодий самара беради. Олинган барча натижаларни саноат соҳасидаги турли мулк шаклидаги корхоналарда қўллаш мумкин. Шу билан, биргаликда, битирув-малакавий ишида олинган таклиф, хулоса ва мулоҳазаларни иқтисодиёт таълим йўналишидаги фанларни ўқитиш жараёнида ҳам қўллаш мумкин.

Битирув-малакавий ишининг таркиби.

Битирув-малакавий иши киришдан, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.боб Иқтисодиётни модеренизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишни назарий асослари.

1.1 Миллий иқтисодиёт таркибидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва уларнинг хусусиятлари.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишдан кўзланган мақсад аҳоли турмуш даражасини юқори даражага кўтаришдир. Ушбу мақсадга эришишни таъминлашда ишлаб чиқариш корхонаси муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқарган маҳсулотлар аҳолининг эҳтиёжини қондириш билан биргаликда, бошқа тармоқ ва соҳаларда аҳоли эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва хизматлар миқёсини орттиришга таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхонаси томонидан мамлакат иқтисодиётининг ривожини йўлидаги ҳиссани ошириш масаласи кўпчилик иқтисодчи олимларнинг асарларида ўз аксини топган. Улар ичида Ё.Абдуллаев, М.Шарифхўжаев, С.С.Гуломов, О.Х.Хикматов, Р.Убайдуллаева, Н.М.Махмудов ва бошқалар бор. Ушбу олимларнинг аксарияти Ишлаб чиқариш корхоналарининг самарасини ошириш учун унинг ўзига хос ва мос хусусиятларини ўрганиш лозимлигини айтишади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари корхоналарнинг тури орқали белгиланади. Корхоналар турли белгиларга кўра тавсифланади ва турларга бўлинади. 1.1.1-чизма.

Аввалги марказлашган иқтисодиёт даврида барча корхоналар давлат корхоналари эди. Ҳозирги вақтга келиб турли мулк шакллариининг юзага келиши оқибатида корхоналар тавсифланиши муҳим роль ўйнайди. Унга кўра корхоналар мулкчилик шаклига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1. Давлат корхоналари

2. Нодавлат корхоналари
3. Акциядорлик корхоналари
4. Хусусий корхоналар



1.1.1-чизма. Ишлаб чикариш корхоналарининг тавсифланиши.

Корхоналар иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларидаги ўрни, мансублиги ва бошқа белгиларга кўра қуйидагиларга ажратилади:

1. Машинасозлик корхоналар
2. Энергетика корхоналари
3. Metallургия корхоналари
4. Енгил саноат корхоналари

5. Озиқ-овқат корхоналари
6. Нефть-газ саноати корхоналари
7. Курилиш корхоналар
8. Транспорт корхоналари
9. Савдо корхоналари
10. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари
11. Алоқа корхоналари

Корхоналарда ишлаб чиқариш бўлганлиги учун уларнинг миқёси ҳам турли туман бўлади. Ишлаб чиқариш миқёсига кўра корхоналар – йирик, ўрта ва кичик корхоналарга бўлинадилар. Фаолият юритиш муддатига кўра корхоналар узлуксиз, мавсумий ва узлукли корхоналарга бўлинадилар.

Корхоналарни турли олимлар яна бошқача тавсифлашга ҳаракат қилганлар. Инглиз олими А.Вудворд корхоналарни улардаги технологияга мос равишда тавсифлашни таклиф қилган.

Унинг фикрича корхоналар уч хил бўлган:

1. Алоҳида ёки якка турдаги.
2. Серияли
3. Узлуксиз

Ҳамма вақт бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар узлуксиз корхоналарга мисол бўлади. Масалан, пахта тозалаш корхонаси, алоқа корхонаси ва ҳоказо. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини тез-тез маълум партияди маҳсулот ишлаб чиқарилганидан кейин ўзгартирган корхоналар серияли корхоналарга мансуб бўлса, ҳар бир маҳсулот туридан кейин янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар алоҳида корхоналардир. Саноат корхоналари серияли корхоналарга мисол бўла олади. Алоҳида корхоналарга эса аҳоли буюртмаси билан ишлайдиган корхоналар мисол бўла олади.

Иккинчи бир олим Б.Томпсон ҳам корхоналарни яна уч турга ажратишга тавсия қилади.

1. Узлуксиз корхоналар
2. Воситачи корхоналар
3. Интенсив корхоналар

Узлуксиз корхоналар бир маромда ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошираётган корхоналар бўлса, воситачи корхоналар икки ёки бир неча корхоналар ўртасида воситачилик ишларини амалга ошираётган корхоналардир. Уларга банк корхонаси мисол бўла олади. Ҳар бир турдаги корхона ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Масалан, тўқимачилик корхонаси асосан аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Хусусан, матолар, газламалар, иплар, нотўқима матолар, жун ва ипак матолари ва шу сингариларни ишлаб чиқаради. Ушбу корхоналар А.Вудворд тавсифи бўйича серияли корхоналардир. В Томпсон тавсияси бўйича улар узлуксиз корхоналардир. Фаолият кўрсатиш муддатига кўра тўқимачилик корхоналари узлуксиз, тўла ишлаб чиқариш миқёсига кўра йирик, ўрта ва кичик кўринишларда бўлиши мумкин.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси ўзи қабул қилган низом асосида фаолият кўрсатади. Унда корхона номи, манзили, банк ҳисоб рақамлари, реквизитлари мақсади ва вазифалари, мансаблар, раҳбар шахсларнинг мажбуриятлари, бўлинмалар ва уларнинг мажбуриятлари, ҳисобот тайёрлик тартиби билан шу сингари маълумотлар кўрсатилади. Низомда корхонадаги асосий ва айланма фондлар, мавжуд ресурслар, низом жамғармаси кўрсатилади. Корхонанинг низом жамғармаси корхонани ташкил қилиш жараёнида ташкилотчилар томонидан шакллантирилади. Тўқимачилик корхонаси ривожланиши ва ишлаб чиқариши ҳажмининг ортиб бориши натижасида даромад ҳажмининг ортиши натижасида низом жамғармаси

кўпайтирилиши мумкин. Низом жамғармаси корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва молиявий жиҳатдан бақувватлигини акс эттиради.

Корхоналарни тавсифлашда яна қатор жиҳатлар ҳам ҳисобга олиниши мумкин. Ишлаб чиқариш ва техника муносабатларида корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми ва турлари уларнинг тайёрлаган технологиясига миқдор ва сифат жиҳатдан мос келувчи машиналар тизимидир.

Ижтимоий муносабатларда корхона турли категориядаги ходимлар ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида юзага келувчи муносабатлардир.

Ташкилий ҳуқуқий муносабатларда корхона ҳуқуқий шахс сифатида фаолият юритади. Молиявий –иқтисодий муносабатларда корхона тармоқнинг мустақил бўғини бўлиб, ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш, яъни бозор муносабатлари тамойилларида фаолият юритади.

Саноат тармоғига мансуб бўлган корхоналар ўзига хос маълум белгиларга эга.

1. Улар ўзларига тегишли ва хўжалик бошқарувидаги хусусий мулкка эга бўлиб, ушбу мулк унинг фаолиятини моддий техникавий имкониятларини иқтисодий мустақиллигини ва ишончилигини таъминлайди.

2. Бу корхоналар давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эгадирлар.

3. Корхона хўжалик айланмасида ўз номидан ҳаракат қилиши мумкин, яъни қонунга асосан хўжалик фаолияти юритувчи ҳамкорлар, маҳсулот истеъмолчилари, хом ашё ва асбоб ускуна етказиб берувчилар ҳамда бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга.

4. Судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга.

5.


К

орхона мустақил балансга эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот савдоси

ҳаражатларини ҳисобга олиб боради, ҳамда давлат идоралари томонидан белгиланган тартибда ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этади.


б. Корхона ўз номига эга бўлиб, унда корxonанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли акс этади.

Ишлаб чиқариш корxonаларининг фаолияти барча турдаги корxonалардаги сингари ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидан иборат. Ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти-янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда намоён бўлади. Унинг қайта ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти –ишчи кучини ёллаш, кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва кенгайтириш жараёнларида акс этади. Муомала соҳасидаги фаолият эса ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминотини ташкиллаштириш, маҳсулотларни сотиш ва фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларининг даромад шаклида қайтиб келишини кўзда туттади. (1.1.2-чизма)



1.1.3-чизма. Корхоналардаги умумий фаолиятга таъсир этувчи ички омиллар.

Корхонада қабул қилинган умумий фаолиятга таъсир этувчи ички омиллар ичида мақсад етакчи таъсирга эга. Шу сабабли мақсадни ташкилот ички омилларининг марказига жойлаштирдик. Корхона мақсади асосида ундаги структурада ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Структура эса ўз навбатида мансаблар ва топшириқларга таъсир кўрсатади.



1.1.4-чизма. Корхонанинг ташқи муҳити омиллари.

Ишлаб чиқариш корхонасининг умумий фаолиятига таъсир кўрсатувчи ташқи муҳит омиллари ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради.

1. Таъминотчилар
2. Истеъмолчилар
3. Рақобатдошлар

4. Иқтисодий мухит
5. Сиёсий вазият
6. Конунчилик
7. Касаба уюшмалари.

Ишлаб чиқариш корхонасининг ривожланишида ушбу омиллар муҳим роль ўйнайди. Улар корхонадаги ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига олиб боради ёки тескари таъсир ҳам кўрсатиши мумкин. Ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда улардан ўйлаб фойдаланишни тавсия этамиз.

Ишлаб чиқариш корхоналарида асосий вазифа ишлаб чиқариш самарадорлигини корхонадаги фаолиятнинг асосий йўналишларига кўп жihatдан боғлиқдир.

Ҳозирги иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг асосий йўналишлари муҳим аҳамият касб этади. Тўқимачилик корхоналари фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилардир:

1. Бозор ва унинг ривожланиш истиқболларини мажмуавий равишда ўрганиш асосида ва ёрдамида, харидорларнинг маҳсулот турларига бўлган талабларни ўрганиш.
2. Корхонада халқ истеъмоли учун зарур бўлган янги маҳсулот турларини яратиш ва жорий қилиш.
3. Корхонада илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини ташкил этиш.
4. Ишлаб чиқаришни режалаштириш, дастурлаш, мувофиқлаштириш ва молиялаштириш.
5. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш.
6. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш, сотиш тизимини ташкил этиш.
7. Маҳсулотни реклама қилиши

8. Фаолиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш

Ушбу йўналишлардаги фаолият қуйидаги вазифалар орқали амалга оширилади:

А) корхона эгасининг даромад олиши

Б) истеъмолчи ва харидорларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан таъминлаш

В) ходимларни иш хақи билан таъминлаш

Г) ён-атрофдаги аҳоли учун иш жойлари тайёрлаш.

Д) атроф-мухитни муҳофаза қилиш

Е) корхона фаолияти тўхтаб қолганда уни тезда юргизиб юбориш чораларини кўриш

Ж) ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари мукамаллаштириш

З) тежамкорликка риоя қилиш, беҳуда сарфни камайтириш.


1.2 Иқтисодиётни еркинлаштиришда ишлаб чиқариш корхоналарнинг тузилиши ва уни белгиловчи омиллар.

Бозор иқтисодиёти корхоналар фаолиятига жуда катта талаблар қўймоқда. Шундай талаблардан энг муҳими ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни бозордаги талабга мувофиқлиги. Бу мувофиқлик ҳам миқдорий жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатидан таъминланиши лозим. Тўқимачилик корхоналарида ушбу вазифаларнинг ечими уларнинг тузилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш структураси деб корхоналарнинг ички тузилишига айтилади.

Ишлаб чиқариш структураси ишлаб чиқаришнинг айрим бўлимларида меҳнат тақсимотини чуқурлаштиришни, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз жараёнини таъминлаш, ихтисослашув даражасини янада чуқурлаштириш ҳамда корхонадаги меҳнат шароитларини яхшилашни таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Ишлаб чиқариш корхонасининг фаолият самараси корхонанинг ишлаб чиқариш структурасини тўғри танланганлигига боғлиқ. Ўз ўрнида ишлаб чиқариш структураси корхонага, корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳолатига, маҳсулот турига, ишлаб чиқаришнинг бошқа хусусиятларига, корхонанинг ихтисослашув ва мувофиқлашув даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бир хил ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш структуралари турлича бўлиши мумкин. Хатто бир тармоқ ичидаги корхоналар турли-туман бўлиши мумкин. Шу сабабли ишлаб чиқариш структураси энг қулай ва самарали ҳолда ташкил этилиши лозим.



1.2.1-чизма. Ишлаб чиқариш структураси ва унга таъсир этувчи омиллар.

Ишлаб чиқариш структураси – корхонанинг ички тузилиши бўлиб, у қатор ишлаб чиқаришлардан иборатдир.

Асосий ишлаб чиқариш

1. Ёрдамчи ишлаб чиқариш.
2. Хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариши
3. Кўшимча ишлаб чиқариш.
4. Кўмакчи ишлаб чиқариш.

Бу умумий кўринишдаги тузилишдир. Ҳозирги вақтдаги энг кўп тарқалган структурада асосий ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришлари мавжуддир. Нисбатан йирикроқ ишлаб чиқариш корхоналарида эса кўшимча ва кўмакчи ишлаб чиқаришлар мавжуд бўлади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг бозор талаблари асосида ҳамда аввалдан тузилган шартномаларда кўзда тутилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган қисми асосий ишлаб чиқариш бўлади. Тўқимачилик корхонасидаги йигирув, тўқув ва бўёқ пардозлаш ишлаб чиқаришлари асосий ишлаб чиқаришдир. Корхонадаги қолган барча бўлимлар ва хизматлар асосий ишлаб чиқаришнинг самарали фаолиятини таъминлашга хизмат қилади, кўмаклашади. Корхонадаги асосий операцион тизим шу асосий ишлаб чиқариш орқали амалга ошади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш асосий ишлаб чиқаришни зарур миқдордаги буғ, электроэнергия, сув, қўшимча қисмлар билан таъминлайди, ҳамда асосий ишлаб чиқаришдаги дастгоҳлар, асбоб-ускуналар ва мосламаларни таъмирлаш билан шуғулланадиган бўлимлардан иборатдир.

Асосий ишлаб чиқаришнинг самарали фаолиятини ташкил этувчиларни тахлил қилинганда қатор омиллардан фойдаланилади. Улар ичида ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш, қўшимча ва кўмакчи ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолияти ҳам бор эди. Асосий ишлаб чиқариш бўлимларининг самарадорликларини таъминлашда ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси энг юқори даражада бўлди, яъни коэффициент 0,38 га тенг ёки 38 фоизга самарадорликка таъсир кўрсатиши аниқланди. Демак, ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимлари фаолиятини яхшироқ ўрганиш ва самарали холда ташкил этиш самарадорликни таъминлайди. Тўқимачилик корхоналаридаги таъмирлаш бўлими, қурилиш бўлими, сув-буғ таъминоти бўлими, электроэнергетика бўлимлари, ёрдамчи ишлаб чиқаришни ташкил этади.

Ишлаб чиқаришдаги асосий жараён узлуксиз равишда амалга ошиши ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун дастгоҳлар, асбоб-ускуна ва мосламалар иш фаолиятида бўлиши лозим. Бунинг учун зарур бўладиган қўшимча қисмлар билан ҳамда бутловчи қисмлар билан ўз вақтида таъминлаб турилиши лозим. Бундай қисмларни четдан сотиб олганга

караганда корхонанинг ўзида тайёрлаш катта самара беради. Тўқимачилик корхоналари кенгайиб борган сари кўшимча ишлаб чиқариш ташкил этилади ва у юқоридаги ёрдамчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариши корхона таркибидаги барча ишлаб чиқариш бўлимлари учун зарур бўлган ишларни бажаради. Уларга корхона таркибидаги омбор хўжалиги, транспорт хўжалиги ва алоқа хизматлари киради. Корхонанинг самарали фаолияти учун ушбу бўлимларда ишлар самарали тарзда ташкил этилиши лозим. Маҳсулотлар ва хом ашёни сифатли ҳолда сақлаш, ташиш ва корхона бўлимлари ўртасида сифатли алоқани йўлга қўйиш корхона фаолияти самарадорлигининг ортишига олиб келади. Саноат корхонасининг умумий ва ишлаб чиқариш тузилмалари мавжуд. Ишлаб чиқариш бўғинлари, корхона бошқаруви ҳамда ходимларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, уларнинг миқдори, катталиги ва эгаллаб турган майдони, ходимларнинг сони ва ишлаб чиқариш имкониятлари корхонанинг умумий тузилмасини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш тузилмаси корхона умумий тузилмасининг бир қисмидир. У цех, участка ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар шаклидаги ишлаб чиқариш бўлинмаларидан иборат бўлади, ҳамда уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро муносабатларини, меҳнат билан банд бўлган ходимлар сони, асбоб-ускуналар қиймати, эгаллаб турган майдони ва ҳудудий жойлашувини акс эттиради.

Ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш тузилмасининг уч хил тури мавжуд: технологик, предметли ва аралаш.

Технологик тузилмалари корхоналарда цехлар ва ишлаб чиқариш участкалари технологик жиҳатдан бир хиллик тамойили асосида ташкил қилинади. Масалан, тўқимачилик корхоналаридаги йигирув, тўқув цехлари.

Предметли тузилмага асосланган корхоналарларда ҳар бир цех маълум бир маҳсулот ёки унинг бир қисмини ишлаб чиқаради. Аралаш тизилма тайёрлов

цеҳларини технологик тамойилда, ишлов бериш ва маҳсулот чиқариш
цеҳларини эса предметли тамойил асосида ташкил этишни кўзда тутади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг тузилмаси қуйидаги омиллар таъсири
асосида шаклланади:

1. Техника ва технологиянинг хусусиятлари.
2. Ишлаб чиқариш ҳажми.
3. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари.
4. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг мураккаблиги ва тури.
5. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаштириш ва роботлаштириш даражаси
6. Мулк шакли.
7. Рақобат олиб бориш усуллари ҳамда шакллари.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш тузилмаларини мукамаллаштирилиб борилади. Уларнинг мукамаллаштирилишининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

1. Корхоналар ва цеҳларни йириклаштириш
2. Алоҳида корхоналар интеграцияси
3. Корхона ичидаги барча бўлинмалар орасидаги мутаносибликни таъминлаш.
4. Цеҳсиз тузилмаларни тузиш.

1.3 Миллий иқтисодиётини ривожлантиришда ишлаб чиқариш корхоналарини урни ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши миллий иқтисодиётимизда миқдор ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жамиятни демократлаштириш, иқтисодиёт салоҳиятларини мустаҳкамлаш ва мамлакатни ривожланган давлатлар

каторига киритишга йўналтирилган, бозор муносабатларига ўтишнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чиқилган модели асосида ривожланиб бормоқда, Бу модел Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган иқтисодий ислохот қилишнинг бешта муҳим тамойилига асосланган ҳамда хўжалик фаолиятини юритувчи субъектларнинг эркинлиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ҳимоя қилувчи зарурий қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган. Корхоналар фаолияти миллий иқтисодий ва унинг тармоқларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Корхоналар қанчалик яхши, самарали ва рентабелли ишласа, бутун иқтисодийнинг, жумладан, уларнинг ўзларининг ҳам кўрсаткичлари юқори бўлади. Бозор иқтисодиёти корхоналар фаолиятини эркинлаштиради, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлайди ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рентабелликнинг юқори кўрсаткичларига эришишга имкониятлар яратади, деб ҳисобланади. Балки ҳақиқатдан ҳам шундайдир. Бироқ корхона, айниқса, давлатга тегишли бўлган корхона қандай ишлаши, унинг жамиятга келтирувчи фойдаси, рентабеллик даражаси, ходимларнинг бандлиги қандай бўлиши фақат корхоналарнигина эмас, давлатнинг ҳам кўз олдида бўлиши зарур. Худди шунинг учун ҳам давлат корхоналарга катта имкониятлар яратиб бериш билан бирга уларни белгиланган тартибда назорат қилиб ҳам боради. Давлат корхоналар тақдирига, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти якуний натижаларига бефарқ қараб тура олмайди. Банкротга учраган корхоналар, зарар келтирувчи ишлаб чиқариш, иқтисодий ночорлик - буларнинг барчаси корхона жамоаси учун ҳам, давлат учун ҳам оғир юк ҳисобланади.

Жахон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитларида барча корхоналар ҳам ракобатчиликни енгиб, самарали ишлаб кета олмайди ҳамда даромад ёки фойда ололмайди. Натижада минглаб корхоналар ташкил қилиниб, хўжалик фаолияти доирасига қўшилади ва деярли шунчаси турли сабабларга кўра тугатилади. Шу сабабли банкротлик, корхоналарнинг

тугатилиши бозор иқтисодиёти шароитларида одатий хол бўлиб, бу аҳволга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиш керак бўлсада, лекин бундан фожеа ҳам яшаш керак эмас.

Корхонанинг меҳнат қобилияти ва даромадлилиги миллий иқтисодиётга кўшиладиган ҳисса бўлишдан ташқари республикамизда тобора кўпайиб бораётган аҳолини иш билан таъминлашда ҳам аҳамият касб этишини унутмаслик муҳим. Кўришиб турибдики, исталган корхонанинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, олинadиган фойда ёки даромад миқдоридан ташқари бу корхонанинг аҳолини иш билан таъминлашдаги иштирокига ҳам боғлиқ бўлади. Аҳолини иш билан таъминлар экан, корхоналар ўзларининг бевосита ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан ташқари ишсизликнинг камайишига, демак, тўғри, меҳнат фаоллигининг ортиши ва ижтимоий аҳволнинг яхшиланишига ҳам сабабчи бўлади.

Бу ерда ҳамма нарса фақат корхонанинг ўзига боғлиқ эмаслиги кўришиб турибди, албатта. Чунки корхона ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида хомашё, материал, асбоб-ускуна ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи ёки маҳсулот истеъмолчилари сифатида ҳаракат қилувчи бошқа корхоналар билан ўзаро алоқага киришади. Бу муносабатларда ҳар бир камчилик ва нуқсонлар, жумладан, хомашё, материал ва асбоб-ускуналарни вақтида етказиб бермаслик, ўз вақтида ҳақ тўламамаслик, қарзларни тўлаш муддатларининг ўтказиб юборилиши ва бошқа хўжалик юритиш қоидалари ва мажбуриятларининг бузилиши корхона иқтисодий аҳволининг ёмонлашишига, унинг ночорликка учрашига олиб келади. Шу сабабли корхоналар фаолиятини самарали ва юқори рентаблли даражада амалга ошириш зарурияти, барча корхоналар ишлаб чиқаришни керакли тарзда ташкил қилиш ҳамда ўз ҳамкорлари ва давлат олдидаги мажбуриятларни қатъий тарзда бажариш интизоми билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистонда кўплаб кичик, ўрта ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини оғир саноатдан енгил саноатгача, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан илмий ишлаб чиқаришгача қамраб олган. Улар ўз фаолиятида ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан - ер, табиий ва меҳнат ресурслари, техника ва технологиялар, инвестициялар, ҳозирги замон фани томонидан ишлаб чиқаришнинг асоси ёки мамлакатнинг миллий бойлиги деб аталувчи замонавий ахборот тизимидан фойдаланади, Маълумки, бойлик ёки салоҳият бир нечта авлод ва бутун жамиятнинг хатти-ҳаракатлари эвазига яратилади. Корхоналарнинг вазифаси ушбу бойликни асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланишда ифодаланади. Хўжалик юритишнинг мазкур тамойилларидан бир оз бўлсада четга чиқиш жамоатчилик ишлаб чиқариши самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан корхоналар тўғрисида турли таърифлар берилган. Мустақилликкача бўлган даврда корхона деб ижтимоий мулкка асосланган ва жамоанинг ҳамкорликдаги меҳнати амалга оширирадиган ишлаб чиқариш-хўжалик бирлигига айтилган³. Ўша вақтда ишлаб чиқариш воситалари давлат қўлида бўлганлиги, турли мулк шакллари мавжуд бўлмаганлиги шароитида бу таъриф қандайдир даражада тўғри эди. Аммо ҳозирги вақтда турли мулк шакллари мавжуд бўлганлиги шароитида бу таъриф мутлақо тўғри келмайди.

Америкалик иқтисодчи олимлар М.Мескон, М Алберт, Ф Хедоурилар корхонани ташкилот деб атадилар ва ташкилотга қуйидагича таъриф бердилар: Ташкилот (корхона) икки ва ундан ортиқ кишининг бир мақсад йўлида биргалашиб фаолият кўрсатишидир. Бир мақсад йўлида бирлашган ҳар қандай гуруҳ ҳам корхона бўлавермайди. Корхона ҳаридорларнинг

³ Экономика организация и планирование промышленного производства. Под.ред Ю.А.Санамова «Вусшая школа» 1995 г ст. 41

кандайдир талабини қондириши, маҳсулот ишлаб чиқариши ва унинг натижаси сифатида даромад олиши лозимдир.

Мамлакатимизда қабул қилинган (1994 йил 14 февралда) «Корхоналар тўғрисида» ги қонунда корхонага тўла равишда таъриф берилган.

«Корхона – ҳуқуқий шахс мақомига эга, мустақил равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулкидан фойдаланиши асосида истеъмолчилар (харидорлар) талабини қондириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаради ва сотади ёки айирбошлайди.»⁴

Ишлаб чиқариш корхоналари – моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғи бўлиб, унда меҳнат қуролилари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади. Унда машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликларини қазиб олиш амалга оширилади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади ҳамда кенг истеъмол моллари тайёрланади. Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожига туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади. Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Ишлаб чиқариш корхоналари учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қуролианишининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компютерлаштириш ҳамда кимёлаштириш

⁴ Узбекистон Республикаси «Корхоналар тугрисида»ги қонун. қонун ва қарорлар. Т. Узбекистон, 1992 йил

соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади. Саноат корхоналари, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир.

Саноат корхоналари моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Саноат корхоналари табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади. У барча халқ хўжалиги тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча орттирадиган, фан-техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини яратадиган соҳадир. Саноат корхоналари тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятлар (минтакалар)нинг табиий бойликларидан, хом-ашё ва меҳнат ресурсларидан кенгроқ ҳамда ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Мамлакатимиз саноат корхоналарининг ҳозирги тараққиёти катта динамиклик билан ажралиб туради, чунки у мустақиллик йилларида, айниқса XX асрнинг охири ва XXI аср бошларида юқори суръатлар билан ривожлана борди. Айни вақтда ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ўсиш билан бир қаторда, унинг тузилмасида ҳам узлуксиз таркибий ўзгаришлар рўй берди. Саноат корхоналарининг узоқ истиқболга мўлжалланган ривожини аниқлаш, турли иқтисодий мутаносибликларни белгилаш ва уларга эътибор қилиш зарурлигини талаб қилади. Ҳозирги замон саноат корхоналари бир-бири

билан чамбарчарс боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия) салмоғининг ошиши енгил саноат улуши ҳисобига бўлмоқда. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва қўшимча қиймат яратувчи саноат корхоналари тармоқларини ривожлантиришга қаратилган иқтисоди стратегия республикага яхши натижалар келтирмоқда.

Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида бу масалага алоҳида тўқналиб ўтдилар. “Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни узлуксиз техник ва технологик янгилаб бориш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишни асосий мақсадимиз сифатида қўйишимиз керак.

Албатта, Ўзбекистонда муваққил таракқиётимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ишлаб чиқаришни таркибий янгилаш, уни замонавий ва юқори технология асосида жадал ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилганини қайд этиш уринлидир.

Биз учун мутлақо янги бўлган тармоқлар ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари бутунлай янгитдан ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу корхоналарнинг тайёр маҳсулотлари жаҳон бозорида муносиб урин егалламоқда. Бу борада гап автомобилсозлик саноати, жумладан, енгил автомобиллар, юк ва махсус машиналар, двигателлар ва асосий бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ҳақида, шунингдек, янги моделдаги хорижий техникаларни ўзлаштириш негизида замонавий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, нефт-қимё ва нефт газ саноатини ривожлантириш, темир йул вагонлари, фармацевтика ва микробиология ҳақида бормоқда.

“Айнан туб таркибий узгаришлар , юкори технологияга асосланган янги ва замонавий корхоналарни барпо этиш, фаолият курсатаётган ишлаб чиқариш кувватларини кенг микёсда янгилаш ва модеренизация қилиш борасида пухта уйланган стратегия туфайли мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши 1992-йилдаги 14фоиздан бугунги кунда қарийиб 25 фоизга унди.”⁵

1.3.1-жадвал

2014-йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий курсаткичлари.

Курсаткичлар	Млрд.сўм	2013 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан фоизда
Ялпи ички маҳсулот	144867,9	108,1
Саноат маҳсулоти	75193,5	108,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	36957,0	106,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	33715,3	109,6
Қурилиш ишлари	19779,3	118,3
Юк ташиш, млн. тонна	1455,8	105,0
Юк айланмаси, млн.тн.км	86474,6	103,3
Йўловчи ташиш, млн. киши	7321,3	104,8
Йўловчи айланмаси, млн.йўловчи км	100095,7	105,8
Чакана товар айланмаси	58643,4	114,3

Манба: Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид дастурий чора тадбирларни амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8,1 фоизга ошириш имконини берди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида

⁵ И.Каримов. Мамлакатимизни демолратик янгилаш ва модеренизация қилишга қаратилган тараккиёт йўлимизни қатъият билиан давом еттириш – бош мақсадимиздир . Халқ сузи 2014йил 6-декабр.

самарадорликни ошириш ва фермер хужалиklarини моддий техника базасини янада мустахкамлаш чора тадбирлари кишлок хужалиги ялпи махсулотини 6,9 фоизга ошишини таъминлади. Фаолият курсатаётган корхоналарни модеренизация килиш, техник – технологик жихатдан янгилаш жараёнини жадаллаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, инфратузилма объектларини қуриш ҳамда реконструкция килишга қаратилган фаол инвестиция сийёсатини амалга ошириши капитал қуйилмалар ва қурилиш ишлари ҳажми 10,9 фоизга оширишни имконини берди.

Иқтисодий тимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустахкам замин яратилмоқда. Аҳоли жами даромадлари 23,9фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тугри келадиган реал даромадларини 10,2 фоизга ошишини таъминланганлиги ва ички талабни рағбатлантириш бўйича қуриладиган чора тадбирлар чакана савдо айланмасини 14,3 фоиз ва хизмат курсатиш ҳажминини 13,8 фоизга қупайтиришга ижобий таъсир курсатди.

Худудлар саноат салоҳиятини ошириш дастурини руйобга чиқариш натижасида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 2014-йилда 9,4 фоиз, шу жумладан озик оқват махсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозик-оқват махсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ошди.

Ўзбекистон ўзининг олтини, пахта толаси ва ипаги, нефти ва гази, самолёт ва автомобиллари, пахта териш ва пахтани қайта ишлаш машиналари билан, вино ва консервалари ҳамда бир қатор бошқа саноат махсулотлари билан дунёга машҳурдир. Мамлакатимиз индустриал қиёфасини энергетика, қон-руда, олтин қазиб олувчи, саноатлари, электротехника ва электрон саноатлари, қўп тармоқли машинасозлик ва қурилиш материаллари саноати белгилаб бермоқда. Саноат корхоналари тармоғи барча ривожланган минтакалар каби бизнинг минтақамизда ҳам, давлат бюджетига тушадиган асосий даромадлар манбаидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналари кенг қўламли ва сертармоқ соҳадир. У ўз ичига оғир ва енгил

саноат тармоғини қамраб олади. Оғир саноат тармоғи таркибига электроенергетика, ёқилғи, металлургия, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари ҳамда кимё-нефт соҳалари кирса, енгил саноат тармоғи тўқимачилик, тикувчилик, чарм-пояфзал ва озиқ-овқат соҳаларини ўз ичига олади. Ўзбекистон саноати тўқимачилик ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш борасида кўп асрлик анъаналарига эгадир. Ўзбек хунармандларининг маҳсулотлари дунёга машҳур ҳисбланади. Минтаканинг жойлашиши тўқимачилик ва тикувчилик соҳасини ривожланишига сабаб бўлган. Миллий иқтисодиётимизда ишлаб чиқариш корхоналари тармоғи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у қуйдаги хусусиятларига кўра иқтисодиётимиз тармоқлари орасида етакчи ўринда туради:

ушбу тармоқ бозорнинг катта қисмини эгаллаб, аҳоли исътемолатларини ишлаб чиқаради;

- мамлакатнинг асосий экспорт маҳсулотларини етказиб беради;
- аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлайди;
- мамлакатни иқтисодий қудратини оширади;

Хулоса урнида шунини айтиш жоизки, Миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш аҳолининг турмуш даражасини ошириб ботишда саноат корхоналарини узига хос урни бор.

Мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодиёт соҳалари ва аҳоли еhtiёжларини туларок қондириш мақсадида турли хил маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугулланаётган объектлардир. Хар қандай саноат корхонасини асосан ишлаб чиқариш фаолияти натижасида хилма хил маҳсулот ва хизматлар қурсатилади. Демак, хар қандай корхонада ишлаб чиқариш марказий урини эгаллайди. Илаб чиқариш жараёнида меҳнат қуроллари, меҳнат предметлари ва ишчи қучининг биргаликдаги ҳаракати юзага келади ҳамда динамик равишда ривожланиб боради. Ундаги меҳнат

куроллари. меҳнат предметлари ва ишчи кучи узаро алоқадар ва бир бири билан алоқада ва боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали фаолияти натижасида саноатда самарадорлик таъминланади. Ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлиги улардаги ишлаб чиқариш тузилмаларига бевосита боғлиқдир. Ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш тузилмаси динамик равишда узгариб, ривожланиб борадиган тузилмадир. Унинг узгаришига таъсир етувчи омиллар, самарадорлик нуқтаи назардан қуйидагилардир.

1. Ишлаб чиқариш хажми
2. Технологик жараёнларнинг мураккаблиги
3. Ходимлар сони
4. Дастгоҳлар таркиби
5. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури

Хар бир мамлакатнинг саноат қуввати ҳамда фан техника тараққиёти ва иқтисодий модернизациялаш курсаткичларини биринчи уринда ишлаб чиқариш корхоналари белгилаб беради. Ишлаб чиқаришга фан техника тараққиёти ютуқларини тадбиқ этиш, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, меҳнатни рағбатлантириш алоқаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар вужудга келади. Шу сабабли ишлаб чиқариш корхоналарининг оптималлиги жамоатчилик талаблари ва миллий иқтисодийнинг ривожланиш истикболларидан келиб чиққан ҳолда фан ва ҳужалик амалиётининг энг тмуҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани иқтисодийнинг хар юир тармоги ва соҳасида ҳал қилишнинг йуллари хилма-хилдир. Хар бир алоҳида юзага келган иқтисодий ҳолатда мавжуд шароитлар ва ривожланиш афзалликларига мос ҳолда ҳаракат қилиниш лозим.

II-боб Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари ҳозирги иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг таҳлили.

2.1. Наманган вилоятининг умумий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

Наманган вилоятида Президент И.А.Каримовнинг 2014 йил 17 январдаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишида белгилаб берилган 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширилиши, шунингдек, қабул қилинган қатор Ҳукумат қарорлари бўйича белгиланган топшириқларни бажарилиши натижасида, 2014 йил якуни билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Хусусан, Наманган вилоятида 2014 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан бир қаторда саноат корхоналарида янги ишчи ўринлари яратиш, эскирган технологияларни модернизация қилиш, яъни янги технологияларни олиб кириш натижасида ишлаб чиқариш корхоналарининг инновацион салоҳиятини ошириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспортбоп маҳсулот турларини кўпайтириш борасидаги бир қатор ишлар амалга оширилди.

Наманган вилояти бўйича саноат корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йил якунига кўра 1289,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 114,9 фоизга ошган. Шаҳар ва туманларда саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажми турли кўрсаткичларда бўлган. Шаҳар ва туманларни ўзаро солиштириб таққослайдиган бўлсак, 2015 йилга мўлжалланган ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган режанинг энг йирик қисмини Наманган шаҳри бажариб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 561,1 млрд. сўмлик режани бажарган. Режани энг паст миқдорда бажарган туманлар: Чортоқ 21,1, Косонсой 31,6, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманлари 34,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарганлар. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш вилоят бўйича 819,2 млрд. сўмни ташкил этган, яъни 2013 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак, бу кўрсаткич 113,1 фоизга ўсган. Вилоятда хўжалик истеъмол молларини ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажмини Мингбулоқ тумани бажарган бўлиб, у 5,1 млрд. сўмлик халқ истеъмол

молларини ишлаб чиқарган. Наманган шаҳри халқ истеъмоллари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича вилоятда етакчилардан бири ҳисобланиб, у 417,4 млрд. сўмлик режани амалга оширилган.

Наманган вилоятида 2014 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра рўйхатдан ўтган саноат корхоналари сони 2873 тани ташкил этиб, шундан фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 2316 тани ташкил этади. Рўйхатдан ўтган саноат корхоналари сони, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан оладиган бўлсак, 105,8 фоизга ёки 157 тага кўпайганини кўриш мумкин.

2.1.1-диаграмма



Манба: Наманган вилояти Иқтисодийёт бошқармаси маълумотлари асосида таёрланди.

Қуйидаги диаграммани таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган йилларга нисбатан, 2014 йил Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми юқорилаб бормоқда. Хусусан, Тўрақўрғон туманида 104,7 фоизга, Косонсой туманида 108,1 фоизга, Наманган шаҳрида 108,4 фоизга, Чуст туманида 110,2 фоизга, Учқўрғон туманида 110,4 фоизга, Поп туманида 117,6 фоизга, Уйчи туманида 117,9 фоизга, Янгиқурғон туманида 122,4 фоизга, Мингбулоқ туманида 136,4 фоизга, Наманган туманида 141,5 фоизга, Норин туманида

151,0 фоизга, Чортоқ туманида 155,7 фоизга ўсиш таъминланди (2.1.1-диаграмма).

Жумладан, ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари металлургия (қора) саноатида 2760,8 млн. сўмни (ўсиш суръати 109,9%), машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноатида 130,1 млрд.сўмни (97,7%), ёғочни қайта ишлаш саноатида 24,2 млрд.сўмни (94,9%), қурилиш материаллари саноатида 42,5 млрд.сўмни (95,0%), енгил саноат тармоғида 489,2 млрд сўмни (116,7%), озиқ-овқат саноатида 400,0 млрд.сўмни (114,1%), дон маҳсулотлари саноатида 125,4 млрд.сўмни (113,5%), полиграфия саноатида 5289,4 млн.сўмни (85,6%) ташкил этган ҳолда умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори салмоғ енгил саноат (37,9%) ва озиқ-овқат саноати (31,0%) тармоқлари ҳиссасига тўғри келди⁶.

Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (2014 й.)

Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар томонидан 688,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизга ошган. Йирик саноат корхоналарининг умумий ишлаб чиқаришдаги салмоғи 53,4 фоизни ташкил этиб, қолган қисми кичик (18,7%) микрофирмалар (7,4%) уй хўжалиги ва якка тартибдаги хусусий тадбиркорлар ҳиссаси (13,8%)га тўғри келди. Уни қуйидаги (2.1.2-жадвал)да кўриш мумкин⁷.

ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги қувватлар ташкил этиш йўналиши бўйича 2009-2014йиллар давомида белгиланган 38 та лойиҳалар ўрнига 99 та лойиҳалар бажарилиб, фойдаланишга топширилди. Бу мақсадларга эришиш йўлида 73,8 млрд.сўмлик маблағлар сарфланиб, 2459 та янги иш ўринлари барпо этилди

⁶Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармаси жорий архивидан

⁷Наманган вилояти Иқтисодиёт бошқармаси жорий архивидан

кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича ишлаётган қувватларни кенгайтириш ҳамда янги қувватлар ташкил этиш йўналишида 2011-2014 йилларда жами 54 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, амалда умумий қиймати 33,7 млрд.сўмлик 65 та лойиҳалар фойдаланишга топширилди ва 1224 та янги иш ўринлари яратилди;

- қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишида 2009-2014 йилларда вилоятдаги 15 та минерал хомашё конларида 19 та корхонани фаолият кўрсатиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда булардан 16 тасига минерал ресурслар ва давлат геология Қўмитасининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи» бўйича лицензиялар берилиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, минерал хом ашё конларида геология қидирув ишларини ташкил қилиш бўйича 2009-2012 йиллар давомида 8 та минерал хомашё конларида 11 корхона томонидан геологик қидирув ишлари олиб бориш режалаштирилган. Ҳозирда 4 та конда геологик қидирув ишларини олиб бориш бўйича 8 та корхоналарга лицензиялар берилган бўлиб, улар ўз фаолиятини олиб бормоқдалар;

- хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда янги лойиҳаларни ташкил этиш бўйича 2012-2015 йилларда умумий қиймати 45,8 млн АҚШ долларига тенг 11 та лойиҳалар амага оширилиши белгиланган. Шу даврда 15 та лойиҳаларга 38,3 млн.долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 825,7 млн. долларлик кредитлар ва 4,2 млн. доллар, ўз маблағлари жами 43,4 млн. доллар миқдорида инвестициялар жалб қилиниб, 1226 та иш ўринлари яратилди. Шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги 7 та янги корхоналар ташкил этилиб, бу мақсадларга эришишда 26,8 млн.АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 700,0 минг. доллар ва 3771,0 млн. сўмлик, ўз маблағлари ҳамда 1900,4 млн. сўмлик кредит маблағлари жалб қилинди;

-истикболли саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича Дастурга киритилган 21 та корхоналарда молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ҳамда банк балансига ўтказилган корхоналар фаолиятини қайта ташкил этиш бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилиб, бу корхоналарга бугунги кунга қадар 689,3 минг АҚШ долларлик ва 58,5 млрд.сўмлик инвестициялар жалб қилинди. Бунинг ҳисобига 3663 та иш ўринлари яратилиб, 2012 йил якунига кўра, 46,4 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди;

- кооперациялашган етказиб беришлар асосида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирган ҳолда йирик саноат корхоналарида хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш йўналишида

2012-2014 йилларда 22 та лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 31,5 млн.доллар миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилиб, 541 та янги иш ўринлари яратилди;

- Дастур бўйича янги иш ўринларини ташкил этиш параметрларига мувофиқ 2009-2014 йилларда 289,1 минг та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган бўлиб, амалда 289,3 минг та янги иш ўринлари барпо этилди. Иш жойларининг 234,3 минг таси ёки 81,0 фоизи қишлоқ жойларида яратилди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг ўтказган тадқиқотларига кўра, бугунги кунда, саноат тармоғини барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганлигига қарамай, саноат корхоналарида бир қатор ички муаммолар мавжуд бўлиб, мазкур ҳолат саноат корхоналарини стратегик ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Булар қуйидагилардан иборат:

- маҳаллий хомашёларнинг етишмаслиги натижасида хориждан импорт қилиниши;

- саноат корхоналарида молиявий ресурсларнинг самарали бошқаруви тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида тўла қувват билан ишламаслиги;
- банкдан олинган хорижий валютадаги кредитлар учун фоиз тўловлари валюта курсларининг ошиб кетиши ҳисобига ортиши ва валюта курсидаги фарқлардан зиён кўриш;
- дебиторлик қарзлари ўз муддатида ундирилмаслиги, тузилган шартномаларнинг бажарилишини тўлиқ назоратга олмаслик, бошқарув ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлик ва айланма маблағларнинг етишмаслиги;
- саноат корхоналарида фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситаларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги натижасида, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи ошиб кетиши ва сифати пастлиги;
- жаҳон бозорида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга глобал инкироз оқибатида талаб пасайиб кетиши;
- бюджет ва бошқа тўловлар бўйича ўз вақтида тўланмаган кредиторлик қарзлари учун пеня ва жарималар ортиб бориши.

Баъзи ҳолатларда саноат корхоналарини барқарор ишламаслигига ташқи ва ички омиллар биргаликда таъсир кўрсатади ва мазкур муаммолар йирик саноат корхоналарида юзага келмоқда. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиши лозим. Чунки саноат тармоғидаги муаммоларнинг бартараф этилиши мамлакат иқтисодиётини бундан юқори чўққиларни забт этиши учун бирламчи омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда булгани каби Наманган вилоятида ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида ижобий усиш суръатларига еришилмоқда. Хусусан, 2014-йилда 6,1 триллион сумлик ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқарилиб 2013-йилга нисбатан 10,3 фоиз усиш таъминланди.

2.1.2- жадвал.

№	Курсаткичлар	2014-йил	
		Хажми сумда	Усиш суръати фоизда
1	Ялпи худудий махсулот	6073,3	110,3
2	Саноат ишлаб чиқариш	648,3	108,1
3	Курилиш	469,8	111
4	Кишлоқ хужалиги	2154,9	108,5
5	Савдо ва умумий овқатланиш	538	110,1
6	Транспорт ва алоқа	582,1	112,3
7	Солиқлар	186,6	111
8	Бошқалар	1493,5	112,7

Изоҳ: Жадвал Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан қуришиб турибдики, Саноат махсулотлари 2014-йилда 648,3 миллиард сумни, қишлоқ хужалиги махсулотлари 2154,9 миллиард сумни, қурилиш ишлари 469,8 миллиард сумни ташкил етганини қуриш мумкин.

Шунингдек, Наманган вилоятида саноат махсулотлари ишлаб чиқариш 2014-йилда 2013-йилга нисбатан ўсиш суръати 8,4 фоизни, ялпи худудий махсулотдаги ўлуши эса 10,7 фоизни ташкил етди.

2014-йилда вилоятда кишлок хужалиги 2154,9 миллиард сумлик махсулотлар ишлаб чиқарилди ва утган 2013-йилга нисбатан 11 фоизга устш таъминланди. Кишлок хужалигини вилоят ялпи худудий махсулотдаги улуши 35,5 фоизни ташкил етмоқда. Транспорт соҳасида ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини куриш мумкин, жумладан, 2014-йилда 538 миллиард сумлик хизмат курсатилиб, 2013-йилга нисбатан усиш суръати 10,1 фоизга тенг булди. Шунингдек, вилоятда савдо ва умумий овкатланиш ҳам тобора ривожланиб борётган соҳалардан хисобланади. Савдо ва умумий овкатланиш соҳасида 582,1 миллиард сумлик хизмат курсатилиб усиш суръати 12,3 фоизни ташкил етди.

Наманган вилоятининг Ялпи худудий махсулотида кишлок хужалигидан кейинги урида саноат махсулотлари ишлаб чиқариш туради. Кейинги йилларда мамлакатимизда ва унинг турли худудларида саноат тармогининг улушини купайтирилишига алоҳида еътибор берилмоқда. Вилоятда амалга оширилаётган таркибтй узгаришлар ва бу борада амалга оширилаётган чора тадбирлар саноат махсулотларини купайтиришга каратилган. Бу еса саноат тармогини ривожланишига туртки булади ва иктисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларининг ривожланиши учун асос булади.

Вилоятда иктисодиёт баркарорлигини таъминлаш мақсадида енг аввало юкори салмоқка ега енгил саноат , озик-овкат саноати, машинасоздик ва колган саноат тармоқларини жадал ривожлантириш белгиланган дастурлар буйича амалга оширилмоқда.

2014-йилда вилоятда енгил саноат тармоги 111,0 фоиз, озик овкат саноатида еса 108,7 фоиз усиш суръати таъминланди. Умумий саноат махсулотлари ишлаб чиқаришда енг юкори салмоғни енгил саноат салмоғи егаллаган булиб,у 39,3 фоизни ташкил етди. Кейинги уринни еса озик овкат саноати егаллади.

Мамлакатимизда озик овкат ишлаб чиқаришни миқдор ва сифат жихатдан яхшилашга еътибор каратилмоқда. Узбекистон Республикаси

Президентининг 2011-йил 31-октябрдаги “2011-2015-йилларда Республика озик овкат саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора тадбирлари тугрисида”ги ПК-1633-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унга асосан қатор тадбирлар белгиланди. Ушбу қарорга мувофиқ вилоятда қатор ишлар амалга оширилди.

Дастур доирасида утган йиллар давомида 14 та қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди, 19 та корхоналарнинг мавжуд қувватлари модернизация ва реконструкция қилинди. Жами 33 та лойиҳалар амалга оширилиб, 4637,0 миллион сумлик маблағ сарфланди. Булар натижасида озик овкат саноатига қарашли тармоқда 428 та янги иш уринлари яратилди.

Жумладан, ушбу дастур доирасида йиллик қайта ишлаш қувати 920 тонна бўлган 5 та сутни қайта ишлаш корхонаси, қувати 150 тонна бўлган 2 та гуштни қайта ишлаш корхонаси, 9 та мева-сабзавотни, 1 та кунгабоқарни 5 та гуштни ва қайта ишлаш, 2 та қадоклаш корхоналари ишга туширилди.

Дастурга асосан Наманган шаҳридаги “Афруз қамол Наби” МЧЖ да мева-сабзавотни қайта ишлаш корхонасида модернизация ишлари олиб борилиб, мева-сабзавотларни қуритиш технологиялари олиб келиб урнатилди ва янги иш уринлари яратилди.

Юқоридаги чора тадбирларни амалга ошириш узини ижобий натижаларини юермоқда. 2014-йилда вилоят озик-овкат саноатига қарашли корхоналарда 498,0 миллиард сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, енгил саноат корхоналарида 754,0 миллиард сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Енгил саноат корхоналарида узиш суръати 111,0 фоизни ва озик-овкат саноат корхоналарида узиш суръати 8,7 фоизни ташкил этади. Саноат тармоқларида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражасини яхшилаш ва самарасини ортириш евазига бу узиш суръатлари янада юқорирок бўлиши мумкин.

Иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарасига таъсир етувчи инвестициялардан фойдаланиш даражаси ҳам Наманган вилоятида тобора ортиб бормоқда. Жумладан 2014-йилда барча манбалар ҳисобидан қариб

1,6 триллион сумдан ортик инвестициялар узлаштирилиб, 2013-йилдга солиштирганда 134,3 фоиз узиш таъминланди. 2.1.3-жадвал.

2.1.3- жадвал.

Наманган вилоятида инвестициялардан фойдаланишни 2010-2014 йиллардаги курсаткичлари.

Курсаткичлар	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	554,0	663,2	728,0	1016,7	1620,0
Олдинги йилга нисбатан узиш суръати фоизда	103,9	105,5	112,6	121,7	134,3
Хорижий инвестициялар хажми миллион АКШ доллар	22,3	17,3	17,0	38,8	123,5
Олдинги йилга нисбатан узиш суръати фоизда	155,9	77,6	98,3	2,3 марта	3,2 марта
Курилиш ишлари хажми млрд сумда	340,9	473,3	547,9	726,7	928,3
Олдинги йилга нисбатан узиш суръати фоизда	131,3	123,6	110,2	116,1	111,0

Изох: Жадвал Наманган вилояти Давлат статистика бошкармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан куриниб турибдики, асосий капиталга киритилган инвестициялар 2010-йилда 554 миллиард сум булган булса, 2014-йилда бу курсаткич 1620,0 миллиард сумни ташкил етди, утган йилда асосий капиталга

киритилган инвестицияларнинг узиш суръати йилдан йилга ортиб борди. 2014-йилда 2013-йилга нисбатан 34,3 фоизга угани юкоридаги фикрларимиз далилидир. 2010-2014 йиллар оралигида хорижий инвееитициялар микдори хам ортиб борганлигини кузатиш мумкин. 2010-йилда 22,3 миллион долларни ташкил етган булса, 2014-йилга келиб 123,5 миллион АКШ доллари микдорида хорижий инвестиция киритилди. Бу еса 2013-йилга нисбатан 3,2 марта ортди.

2014-йили 928,3 миллиард сумлик курилиш монтаж ишлари бажарилди. Утган давр мобайнида худудий инвестиция дастури доирасида 18 та лойтха буйича 16,5 миллион АКШ доллари микдорида тугридан-тугри инвестициялар жалб етилиб, белгиланган топширик 108,4 фоизга бажарилди.

2.2. «MEGA TEKSTIL» ХК хорижий корхонаси ни умумий тавсифи

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонаси 28 феврал 2007 йилдаги иштирокчилар Умумий йиғилишининг 1-сонли баённомасига мувофиқ ташкил этилади.

Жамият юридик шахс булиб, уз фаолиятини Узбекистон Республикасининг амалдаги «Хорижий инвесторларининг хуқуқларини химоялаш чоралари ва кафолатлари тўғрисидаги » бошка амалдаги конунлари ва узининг Низоми асосида амалга оширади.

Жамиятнинг асосий вазифаси Узбекистон Республикасида ва хорижий истеъмолчиларни ишлаб чиқарётган пахта толасига булган эхтёжни кондирриш,фойда олиш хамда акциядорлар жамичт мехнат жамоасининг ижтимоий ва иктисодий манфаатларини химоя этишдан иборатдир.

Жамият уз максадларига эришиш учун куйидаги фаолият турлари билан шугулланади:

- тўқимачилик, йигирув, безак, трикотаж ва тикувчилик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- пахта толаси ва бошқа хом ашё турларидан саноат-техника мақсадидаги маҳсулотлар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилишини ташкил қилиш;

- улгуржи ва чакана савдо, шу жумладан консигнация асосида, ишлаб чиқариш-техникага оид маҳсулотларни ҳамда халқ истеъмол молларини сотишнинг бошқа турларини ва операцияларни амалга ошириш ;

- ишлаб чиқариш-техникага оид маҳсулотларни ҳамда халқ истеъмол молларини

сотиш бўйича дуконлар тармоғини, шунингдек фирма дўконларини ташкил этиш.

- ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш, кичик ҳамда қушма корхоналар тармоқларини, тижорат марказларини, майда улгуржи, воситачи ва чакана савдо дуконлари, савдо уйлари, улгуржи ярмаркалар очиш.

Корхона асосий фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш учун ўз номидан маблағи билан қуйидаги қўшимча фаолиятларини амалга оширади:

- тижорат-воситачилик фаолияти, шу жумладан савдо-воситачилик, савдо-харид ва маркетинг тадқиқоти;

- халқ истеъмол молларининг, озиқ-овқат маҳсулотларининг, ускуналар ва халқ хўжалиги соҳалари учун техник инвентарларнинг улгуржи ва чакана савдоси;

- янги техника ва технологияларни жорий этиш асосида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш;

- ишлаб чиқаришни хом ашёлар билан таъминлаш, машина ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш ишлари;

- ишлаб чиқаришнинг иқтисодий, санитар-гигиеник шароитларини яхшилаш;

- умумий овқатланиш, ресторан, бар ва бошқа хизматларни ташкил қилиш;

- мехмонхона хизмати ва мехмонхона хўжалигини ташкил қилиш;

- халқаро кўргазмаларни, ким ошди кўргазмали савдони, савдо ярмаркаларини ташкил қилиш ва иштирокиш;

- бадий-безатиш ишлари;
- реклама фаолияти;
- бадий-жихозлаш хизмати, дизайн;
- саёхлик хизмати, халқаро саёхликни ташкил қилиш;
- кўчмас мулкларни сотиб олиш ва сотиш;
- маиший хизмат кўрсатиш;
- автомобиллар таъмири ва хизмат кўрсатиш;
- транспорт ва омбор хизматлари, халқаро транспорт хизматлари ташкил қилиш;
- хайрия тадбирлари фаолияти;
- ташки иктисодий фаолият ишлари.

Юқорида қайд этиб ўтилган барча ишлаб чиқариш фаолияти турларини амалга ошириш учун давлат органларининг келишуви ёки мақуллаши талаб этилса, фақат уларни олгандан кейин, зарурат булса тегишли лицензиялар олинганидан кейин амалга оширилади.

Жамият бошка корхона еки жамиятнинг катначиси еки таъсисчиси булиши, бошка бирлашмалар, уюшмалар таркибига кириши Уэбекистон Республикаси худудида ва чет элларда амалдаги конунчиликга мувофик кушма корхоналар барпо этиши мумкин.

Жадвал мабулмотларига кура, 2014-йилда корхонада жами асосий воситалар 710 млн. 490 минг сумни ташкил килган. 2013-йил бошига нисбатан 15 млн. 670 минг сумга ёки 2,2% га усган. Саноат асосий ишлаб чиқариш воситаларининг салмоги эса 3% га ёки 20 млн. 540 минг сумга купайган, бошка таромокларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари эса 4млн 870 минг сумга камайган. Ноишлаб чиқариш фондлари умуман узгармаган. Корхонада бошка тармомокларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари камайиши корхонада иш шароитининг ёмонлашишига олиб келиши мумкин

2.2.1-жадвал

«MEGA TEKSTIL» ХК узининг асосий воситалари узига хос хусусиятларига ега яъни:

Курсаткичлар	2013-йил		2014-йил		фарки	
	Минг сум	%	Минг сум	%	Минг сум	%
А	1	2	3	4	5	6
1. Саноат асосий ишлаб чиқариш воситалари	679370	97,7	699910	98,5	+20540	103
2. Бошқа тармоқларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари	15360	2,2	10490	1,5	-4870	68,3
3. Ноишлаб чиқариш воситалари	900	0,01	900	0,01	-	-
Жами асосий воситалар	694820	100	710490	100	15670	102,2

Манба: Жадвал «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонаси 2013-2014 йиллардаги ҳисобот материаллари асосида тайёрланди.

Асосий воситаларнинг барча турларини керакли нисбатда ва таркибда булишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Саноат ишлаб чиқаришдами, ердамчи тармоқлардами еки ижтимоий-маиший соқаларда булмасин барча асосий воситалар керакли хизматни бажарадилар. Асосий воситаларнинг динамикаси деганда уларнинг йиллар буйича узгаришлари тушунилади. Динамик узгаришлар асосида корхонада асосий воситаларнинг йиллар

буйича мутлак ва нисбий узгаришларига бако берилади. Куйидаги маълумотлар асосида асосий воситаларнинг таркибий узгаришларига бако бериш мумкин.(2.2.2-жадвал) Корхонада жами саноат ишлаб чиқариш фондлари йил охирида йил бошига нисбатан 20 млн. 540 минг сумга ёки 103%га қупайган. Шундан машина ва ускуналар 28 млн. 480 минг сумга қупайган. бинолар эса қисобот йилининг бошига нисбатан 10 млн. 440 минг сумга, инвентарлар 790 минг сумга қамайган. Иншоатлар ва узаткич жикозлар умуман узгармаган. Асосий фондларнинг актив қисмининг салмоғи 52,2% дан йил охирига келиб бу қурсаткич 55% ни қурсатган.

2.2.2-жадвал

«MEGA TEKSTIL» ХК ишлаб чиқариш фондлари таркибининг тузилиши.

Курсаткичлар	2013-йил		2014-йил		2014-йил бошига 2013-йилда нисбатан узгариши	
	Минг сум	%	Минг сум	%	Минг сум	%
1. Бинолар	227660	33,5	217220	31,0	-10440	95,4
2. Иншоатлар	19500	2,9	19500	2,8	-	-
3. Узаткич жикозлар	28720	4,2	28720	4,1	-	-
4. Машина ва ускуна	354650	52,2	383130	55,0	+28480	108,0
5.Транспорт воситалари	44010	6,5	47300	6,8	+3290	107,4
6. Инвентарлар	4830	0,7	4040	0,6	-790	83,6
Жами асосий ишлаб чиқариш фондлари	679370	100	699910	100	+20540	+103

Манба: Жадвал «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонаси 2013-2014 йиллардаги ҳисобот материаллари асосида тайёрланди.

Асосий воситаларни актив ва пассив фондларга таркиблашда асосий жihat уларнинг мақсулот ишлаб чиқаришдаги бевосита иштирокига қаратилади.

Актив асосий воситалар деб махсулот ишлаб чиқаришдан бевосита ва билвосита катнашувчи асосий воситаларга айтилади.

2.3 «MEGA TEKSTIL» ХК хорижий корхонаси иқтисодий курсаткичлари ва унинг тахлили.

Иқтисодий самарадорликка уришиш ҳар бир корхонанинг объектив бош мақсадидир. Самарадорлик ошириш ишлаб чиқариладиган махсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини ошириш, ресурсларни тежаш, қўшимча харажатларани камайтириш ва ишлаб чиқариш заҳираларни кўпайтиришни талаба қилади. “Иқтисодий самарадорлик” ишлаб чиқаришида банд бўлган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаласа, “ишлаб чиқариш самарадорлиги” мавжуд заҳиралардан самарли фойдаланиб, эришилган натижаларни билдиради.

Янгича иш юритиш шароитида корхоналар мулкнинг таркибини урганиш ва уни кўпайтириш йулларини аниқлаш ҳужалик фаолиятининг тахлилида муҳим урин тутди. Айниқса балансга қараб корхона мол-мулки ва бойлигининг таркибини кузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини улчашга ёрдам беради. Одатда корхона маблағларига узок муддатли активлар ва оборот (айланма) активлар қиради. Уларни микдори ҳиссадорлик, ҳамкорлик, кичик ва бошқа корхоналарнинг катта-кичиклигига, ихтисослашуви ва бозор шароити рақобатларига бардошлигига боғлиқдир. 1-жадвалда корхона мулкнинг ҳажми ва таркиби келтирилган. Уни тузишда баланс маълумотларидан фойдаланиб, соф, ишлатишга лаёқатли бойликлар ҳолати урганилади. Келтирилган маълумотлар баланснинг активи жами суммасига тенг булади.

2.3.1-жадвал

«MEGA TEKSTIL» ХК бухгалтерия баланси активининг тахлили.

Мол-мулкнинг таркиби	2013-йил	2014-йил	Узгариши (+,-)
----------------------	----------	----------	----------------

	Минг сумда	Минг сумда	Минг сумда	%	Йилларга нисбатан %
1. Узок муддатли активлар	309980	372020	62040	-1,9	5,0
2. Оборот активлар Шу жумладан:	935770	1251520	315750	1,9	25,3
1 Захира ва харажатлар	606060	703430	97370	-5,3	7,8
2 Пул маблағлари ва қимматли коғозлар	9000	23880	14880	0,8	1,2
3 Дебиторлар	320710	524210	203500	6,6	16,3
Баланс активининг Жами	1245750	1623540	377790	-	30,3

Манба: Жадвал «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонасининг 2013-2014-йил хисобот материаллари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотларига кура, корхона мулки йил бошига нисбатан 377 млн. 79 минг сумга ёки 30,3% га купайган. Корхона фаолияти учун корхона бойлигининг купайганлиги ижобий ҳолдир. Мулкнинг купайиши оборот активлар ҳисобига булган, оборот активлар йил охирига 315 млн. 75 минг сумга усган. Унинг жами мулкдаги салмоғи 1,9 % га купайган. Захира ва харажатлар йил бошига нисбатан 97 млн. 37 минг сумга купайган. Йил бошига нисбатан 7,8 % га купдир. Жами мулк таркибига кура Захира ва харажатлар йил бошига нисбатан 5,3 % камайган, узок муддатли активлар ҳам йил бошига нисбатан 1,9 % га камайган. Бу корхона фаолияти учун салбий ҳолатдир.

МАБЛАГЛАР МАНБАИНИНГ ТАХЛИЛИ.

Корхона баланснинг пассив қисмида корхона маблағларининг қоплаш манбалари курсатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида маблағларни тулдириш қуйидагилардан иборат:

1. Узлик маблағларнинг манбалари.
2. Мажбуриятлар.

Бунда энг мухим уринни корхонанинг узига карашли устав кушилган, резерв, капиталлар, таксимланмаган фойда (копланмаган зарар), мақсадли тушум ва фондлар, келгуси давр сарфлари ва туловлари учун резервлар, келгуси давр даромадлари эгаллайди. Устав капитал корхона ихтиёридаги доимий беркитилган асосий ва айланма маблагларнинг ҳажмини курсатади. У турли хужалик муомалалари таъсирида узгариб туради. Бунга фойданинг таксимланиши ҳисобига тулдирилиш, хомийларнинг аъзолик бадаллари, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши ва бошқалар сабаб булиши мумкин. маблагларнинг купайтириш манбалари таркибида фойда алоҳида уринни эгаллайди. Фойда ҳажмининг купайиши энг аввало устав капиталини тулдиришга ва бошқа эҳтиёт жамгармалари яратилишга олиб келади. Кредит ва бошқа маблагларга қиска, урта, узок муддатга мулжаллаб олинган кредитлар, уз муддатида узилмаган ссудалар ва бошқа қарз маблаглари қиради. Шунингдек кредиторлар билан ҳисоблашишлар ва бошқа пассивлар ҳам шу булимда инобатга олинади. Бунда кредиторлик қарзлардан ташқари бюджетга, сугурта ва меҳнат ҳақи юзасидан корхонанинг қарзлари курсатади. Кредиторлик қарзларнинг, айниқса муддати утган мажбуриятларнинг купайиб кетиши жамият ва компанияларнинг обрусига салбий таъсир курсатиши мумкин. Бозор иқтисоди қонуниятлари ва талабидан келиб чиққан ҳолда корхонада қарз кам булгани маъқул. 2.3.1-жадвалда корхона маблагларининг манбалари курсатилган.

2.3.2-жадвал

«MEGA TEKSTIL» ХК бухгалтерия баланси пассивининг таҳлили

Мол-мулкнинг таркиби	2013-йил		2014-йил		Узгариши (+,-)		
	Минг сумда	%	Минг сумда	%	Минг сумда	%	Йил бошига нисбатан %
1. Узлик маблагларнинг	890350	71,5	1265820	78,0	375470	6,5	30,1

манбалари							
2. Мажбуриятлар Шундан:	355400	28,5	357720	22,0	2320	-6,5	0,18
а) узок муддатли кредит ва карзлар	-	-	-	-	-	-	-
б) киска муддатли кредит ва карзлар	43350	3,5	64600	4,0	21250	0,5	1,7
в) кредиторлик карзлар	312050	25,0	293070	18,1	-18980	-6,9	-1,5
Пассивининг жами:	1245750	100	1623540	100	377790	-	30,3

Манба: Жадвал «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонасининг 2013-2014-йил хисобот материаллари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотларига кура, жами манбалар йил бошига нисбатан 377 млн. 79 минг сумга ёки 30,3 % купайган. Узлик маблагларнинг манбалари хисобот йил бошига нисбатан 375 млн. 47 минг сумга ёки 6,5 % га купайган. Мажбуриятлар ҳам йил бошига нисбатан 2 млн 320 минг сумга купайган. Жами манбаларга нисбатан мажбуриятлар буйича режанинг бажарилиши 6,5% га камдир. Корхонада узок муддатли кредит ва карзлар мавжуд эмас. Киска муддатли кредит ва карзлар жами йил бошига нисбатан 1,7% га усган. Кредиторлик карзлар 18 млн. 98 минг сумга камайган. Жами йил бошига нисбатан бу курсаткич 1,5 % га фаолияти учун ижобий ҳолат деб караш лозим.

АЙЛАНМА МАБЛАГЛАРНИ КОПЛАШ ТАХЛИЛИ.

2.3.3-жадвал

«MEGA TEKSTIL» ХК захира ва харажатларни коплашга тегишли манбалар билан таъминланганликни тахлили

(минг сум ҳисобида)

Курсаткичлар	2013- йил	2014- йил	Фарқи
1. Узлик маблагларнинг манбалари	890350	1265820	375470
2. Узок муддатли активлар	309980	372020	62040
3. Захира ва харажатларни коплашга тегишли узлик	580370	893800	313430

манбалари (1-2)			
4. Узок муддатли кредит ва карзлар	-	-	-
5. Захира ва харажатларни коплашга тегишли узлик ва узок муддатли карз манбалари (3+4)	580370	893800	313430
6. Киска муддатли кредит ва карзлар	43350	64600	21250
7. Захира ва харажатларни коплашга тегишли жами манбалар (5+6)	623720	958400	334680
8. Захира ва харажатларнинг жами	606060	703430	97370
9. Захира ва харажатларни коплашга узлик манбаларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслилиги (-)	-25690	190370	216060
10. Захира ва харажатларни коплашга узлик ва узок муддатли карз манбаларининг етарлилиги (+), етишмаслилиги (-)	-25690	-25690	216060
11. Захира ва харажатларни коплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+), етишмаслилиги (-) (7-8)	-17660	254970	237310

Манба: Жадвал «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонасининг 2013-2014-йил хисобот материаллари асосида тайёрланди.

Баланс маълумотларига караб корхонани айланма маблаглари кандай манбалар хисобига ташкил этилганлиги урганилади. Бундай тахлилнинг зарурлиги шундаки, корхоналарни молиявий мустакил-лиги, баркарорлиги, кредит олишга лайёкатлилиги аниқлашда узлик манбалар билан таъминланганлик курсаткич муҳим аҳамиятга эгадир. Куйидаги жадвалда захира ва харажатларни коплашга узлик манбаларнинг етарлилигини аниқлаш услуби келтирилган.

Маълумотларга кура, корхонада хисобот даври бошида захира ва харажатларни коплашга узлик манбалари 25 млн. 69 минг сумга етишмаган булса: йил охирида бу курсаткич 190 млн. 370 минг сумга етарли суммани ташкил килган. Йил бошига нисбатан бу курсаткич 216 млн. 60 минг сумга купайган. Корхонада хисобот даври бошка захира ва харажатларни коплаш нобаркарор, яъни корхона захира ва харажатларни факатгина киска муддатли карз манбалари хисобига коплай олган холос. Корхонада захира ва харажатларни коплашга узлик манбалари 256 млн. 900 минг сумга етишмаган. Хисобот йил охирида захира ва харажатларни коплаш абсолют.

Бунга сабаб корхонада захира ва харажатларни коплашга узлик маблаглар манбалари, узок муддатли карзлар хамда киска муддатли карзлар етарли булган. Корхонада киска муддатли карзлар йил охирида 254 млн. 970 минг сумга тенг булган суммани ташкил килган. Бу курсаткич йил бошига нисбатан 237 млн. 310 минг сумга купайган.

ЙИЛНИНГ СОФ ФОЙДАСИ ТАРКИБИ ВА УНИНГ УЗГАРИШИНИ ТАХЛИЛИ

Йилнинг соф фойдаси корхоналарнинг ривожланишининг бирдан-бир манбаси хисобланади. Уилинган даромад хажмига караб, мустакил махсулот ишлаб чикарувчи фирма ва компаниянинг ишлаб чикариш ва молиявий фаолиятига бахо берилади. Фойда фирма ва компания фаолиятининг асосий манбаи хисобланиб, унинг хажмини купайганлигининг уз-узини маблаг билан таъминлаш ва молиялашга, кенгайтирилган ишлаб чикаришни ташкил этишга хамда мехнат жамоасининг ижтимоий талабини кондиритишга ишлатилади. Демак, корхона молиявий натижасини тахлил килишда фойданинг ташкил топиши ва ишлатилишини урганиш лозим. Амалдаги низомга мувофик фирма ва компанияларнинг соф фойдаси барча фаолиятлар натижасидан аникланади. Жумладан, махсулот, иш ва хизматлар сотишдан олинган молиявий натижа, асосий фаолият натижалари, молиявий фаолиятдан курилган фойда ёки зарарлар, хамда фавкулотдаги вазиятлар натижасида олинган зарар (фойда) ларнинг йигиндисидан иборатдир.

2.3.4-жадвал

«MEGA TEKSTIL» ХК йилнинг соф фойдаси ва унинг таркибининг тахлили

Курсаткичлар	2013-йил		2014-йил		Узгариши (+,-)	
	Минг сум	%	Минг сум	%	Минг сум	%

1. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	896640	100	1469640	100	573000	-
2. Даврий харажатлар ва асосий фаолиятнинг бошка жараёнларидан даромадлар ёки харажатлар	456150	50,8	800970	54,5	344820	3,7
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси	440490	49,1	772930	52,5	332440	3,4
4. Умумхужалик фаолиятининг молиявий натижаси	517260	56,6	773410	52,6	266040	-4,0
5. Солик тулагунга қадар умумий молиявий натижа	507370	6,6	773410	52,6	266040	-4,0
6. Фойдадан солик ва бошка солик ажратмалар	190310	21,2	307700	20,9	117390	-0,3
7. Хисобот давридаги соф фойда	317060	35,3	465710	31,7	148650	3,6

Манба: Жадвал «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонасининг 2013-2014-йил хисобот материаллари асосида тайёрланди.

Маълумотларга қура, корхонанинг хисобот давридаги соф фойдаси 148 млн. 650 минг сумга қупайган. Бунга асосий сабаб маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижанинг утган йилга нисбатан 573 млн. сумга қупайганлиги сабаб бўлган, лекин корхонанинг даврий харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошка жараёнларидан қурилган сарфларнинг салкам 345 млн. сумга ортганлиги хисобот даврининг соф фойдаси ҳажмини камайшига салбий таъсир қурсатган. Шунингдек фойдадан туланган солиқларни утган йилга нисбатан 117 млн. сумдан юқори қорқма қупайиши ҳам фойда ҳажмининг камайишига таъсир қурсатган. Умуман олганда, хисобот даврининг соф фойдасини 148млн. 650 минг сумга утган йилга нисбатан қупайганлиги корхона учун яхши ҳолатдир.

МАХСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР СОТИШДАН ОЛИНГАН ЯЛПИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА ВА УНИНГ УЗГАРИШ САБАБЛАРИНИ ТАХЛИЛИ.

Корхоналарнинг ҳисобот давр соф фойдасини аксарият қисми маҳсулот (бажарилган иш, курсатилган хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа ташкил этади. Бу қуйидаги тартибда ҳисобланади:

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган тушум ҳажми фирма ва компанияларнинг қандай баҳоларда ва қимларга узлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишлигига, шартномада қўзда тутилган баҳоларнинг миқдорига боғлиқдир. Ялпи тушумни билиш учун молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботнинг тегишли сатридан утган йилги ва ҳисобот давридаги маълумотларидан қаралади.

Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил этувчи харажатлар иқтисодий мазмунига қараб қуйидаги турлардан иборатдир:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган қикит-лар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тулаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

Бозор иқтисодётига утиш даврида фойда қўрмасдан ишлайдиган қорхоналар бўлмаслиги қерак. Харажатларни даромад-лари қопламайдиганлар қарз (қредит) ҳисобига яшашади. Бу эса молиявий аҳволни оғирлаштиради ва қировард натижада қорхона қинади. Шунинг учун фойда қўриш қорхоналарнинг яшашини, рақобатларга бардошлиги қенгайтирилган ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий манбаи ҳисобланади.

2.3.5-жадвал

«MEGA TEKSTIL» ХК сотишдан тушган ялпи молиявий натижанинг тахлили

(минг сум ҳисобида)

Курсаткичлар номи	2013-йил	2014-йил	Фарқи (+,-)	
			мутлок	нисбий
1. Махсулот сотишдан тушган тушум	3112950	5291460	2178510	69,9
2. ККС	474860	888720	413860	87,1
3. Акцизлар	-	-	-	-
4. Сотишдан олинган соф тушум	2638090	4402740	1764650	66,9
5. Сотилган махсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари	1741450	2933100	1191650	68,4
6. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа	896640	1469640	573000	63,9

Манба: Жадвал «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонасининг 2013-2014-йил ҳисобот материаллари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотларига қура, корхонада махсулот сотишдан олинган соф тушум утган йилга нисбатан 1млрд 764млн. 650 минг сумга ёки 66,9% га қупайган, лекин сотилган махсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари ҳам утган йилга нисбатан 119 млн. 1млрд 65 минг сумга ёки 68,4% га ошиб кетган. Булар натижасида корхонада сотишдан олган ялпи молиявий натижа 573 млн. сумга ёки 63,9% га қупайган. Корхона фаолияти учун утган йилга нисбатан махсулотлар сотишдан соф фойдаси ҳажмининг қупайганлиги ижобий ҳолат деб қарашимиз лозим.

2.3.6-жадвал

«MEGA TEKSTIL» хорижий корхонасининг асосий техник иқтисодий курсаткичлари.

№	Асосий курсаткичлар	Улчов бирлиги	2011й	2012й	2013й	2014	Фарқи (+,-)
1	Қалава ип ишлаб чиқариш	тн	669	743	1008	1100	431
2	Товар ва	млн.сум	3613	4012	6048	6600	2987

	махсулотларни амалдаги нархи.						
3	Товар ва махсулотларни солиштирма нархи.	млн.сум	4014	4458	6048	6600	2586
4	Махсулот сотиш микдори	Тн	658	749	951	1100	442
5	Махсулот сотиш (ККС сиз)	млн.сум	3948	4494	5706	6600	2652
6	Экспорт микдори	тн	48	98	256	400	352
7	Экспорт АКШ доллари	минг дол	130	265	717	1120	990
8	Ички бозорга сотиш	тн	610	651	695	700	90
9	Ички бозорга сотиш	Минг сум	3318	3541	4170	4200	882
10	Ишловчилар сони	киши	205	212	228	228	23
11	Уртача иш хаки	сум	215230	224560	269510	311560	116330

Манба: Жадвал «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонасининг 2011-2014-йил хисобот материаллари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилдан йилга ошиб бормокда. 2011-йилда калава ип ишлаб чиқариш 669 тоннани ташкил етган булса жорий йилга келиб бу курсаткич 1100 тоннани ташкил етди. Товар ва махсулотлар амалдаги нархи 3613 сумдан 6600 сумгача кутарилган. Товар ва махсулотларни хорижга сотиш буйича Ўзбекистонда қушимча имкониятлар яратилган булиб у ККС ва Аксиз солиги туламаслик имконияти мавжуд булади. Шунингдек Мега текстил корхонаси ҳам хорижга махсулот сотиш ушиб боряпганини куриш мумкин яъни 2011-йилда 130 минг долларлик махсулот экспорт килган булса бугунга келиб 1120 минг долларлик махсулот экспорт килмокда. Корхона ишчилар сонини ошириш буйича амалий ишлар килингани йук ишловчилар сони 2011-йилдан буён 23 тага ошди холос. Корхонадаги уртача иш хаки хозирги уртача иш

хаки 311560 сум бу курсаткич 2011-йилга нисбатан 116330 сумга куп демақдир. Жадвалдан корхонани ривожланаётган деб айтиш мумкин.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкин УЗбекистон Республикасида хорижга махсулот экспорт килувчи корхоналарнинг деярли 90 фоизидан ортиги уз хохиши билан аксиз солиги ва кушилган киймат солиги туловчи булиб (яъни давлатга ихтиёрий аксиз солиги ва кушилган киймат солигини тулайди) фаолият юритадилар бу хам корхонага фойда келтиради яъни :

- корхона бундай солигларсиз товар ва махсулот сотиб оладилар
- Ички бозорда кулай нархларда махсулотларни сотиш имкониятлари мавжуд булади ;

Биз томонимиздан ургангилган «MEGA TEKSTIL» хорижий корхонаси иктисодий самарадор холтда аммо тулик кувват билан ишламаяпти. Корхона 65 фоиз кувват билан ишляпти холос ва унинг технологияси хам маънавий ескирган, корхони 97-йилги технологиялар билан ишламоқда. Агар корхонага янги технология урнатилса нафакат ички ташки бозорда хам ракобатбардош махсулотлар яратиши мумкин

III-боб. Иқтисодий ривожлантиришда ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришда истикболлари.

3.1. Ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари

Инвестиция фаолияти ҳар қандай тизимда ҳам мамлакат иқтисодийнинг барқарор ривожланаётганлик даражасини ифода этади.

Иқтисодий инвестициялашга жалб этилаётган маблағлар, хусусан, чет эл инвестицияларининг салмоғига қараб ҳам мамлакатнинг иқтисодий қудратига баҳо бериш мумкин. Мамлакатимизда иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири бўлмиш саноат тармоғни барқарор ривожланишини таъминлаш, улардаги иқтисодийнинг бошқа соҳалари билан боғлиқ муаммоларни комплекс ҳал этиш, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш ва янада юксалтириш мақсадида ҳукуватимиз томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (3.1.1-чизма).



3.1.1 -чизма. Саноат тармоғи корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари

Мамлакат ишлаб чиқариш корхоналаридаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш, мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг тенг ҳуқуқли шароитида фаолият юритишни таъминлаш орқали тармоқда ислохотларни жадаллаштиришни талаб этади. Бу эса ишлаб чиқариш корхоналарини инвестицион фаолиятини молиялаштириш орқали молиявий барқарорликка эришиш зарурлигини келтириб чиқаради. Шу сабабдан ишлаб чиқариш корхоналарини истиқболли тараққиётини таъминлаш ва уларни инвестиция фаолиятини молиялаштиришни ривожлантиришнинг ўзига хос аҳамиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириш орқали ишлаб чиқариш корхоналарини инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш мумкин:

- ишлаб чиқариш корхоналари инвестиция фаолиятининг ривожланишини таъминлашда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш зарур;

- ички инвестициялар билан бир қаторда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ишлаб чиқариш корхоналарининг инвестиция фаолиятини амалга оширишда тўғридан-тўғри иштирокини таъминлаш лозим;

- ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришининг ривожланишини таъминлаш мақсадида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва уларни фаолиятини самарали олиб бориш керак;

- ишлаб чиқариш корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш учун саноати юксак тараққий этган давлатлар амалиётини ўрганиш ва улардаги илғор тажрибаларни республика иқтисодиётида қўллаш зарур;

- мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналарига ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишда мазкур тармоқнинг иқтисодий аҳволи ва имкониятлари, шунингдек, тармоқнинг инвестицион жозибадорлиги тўғрисида аниқ ахборот ва маълумотлар олиш имкониятини яратиш лозим. Маҳаллий хом-ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва

материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, тўқимачилик саноати, кишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобил саноати, нефт-газ тармоғи, кўмир саноати, қурилиш материаллари саноати, пахта тозалаш саноати, кимё ва ёғ-мой саноати, фармацевтика соҳаси ҳамда бошқа шу каби соҳа ва тармоқлардаги корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлаш жараёнлари комплекс, ҳар томонлама ва изчил тарзда амалга ошириш зарур. Бунда ишлаб чиқариш корхоналарини инвестицион фаолиятини молиялаштириш орқали мамлакатимиздаги хом-ашё ва ресурсларга бой манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли саноат тармоқларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Жадал ва мутаносиб иқтисодий усиш чуқур таркибий узгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш фаол ва аниқ йуналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади.”⁸Расмий статистик маълумотларга кўра, 2014-йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,1 фоизни ташкил этди, 2000- 2014-йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,2 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди. 2014-йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди (14-расм). Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000-йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-ёғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014-йилда бу кўрсаткич 24,3 фоизга

⁸ Президентимиз И.Каримов мамлакатимизда 2014-йилда тижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015-йилда мулжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йуналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сузи” 2015 йил 17 январь

етганида ҳам яққол кўриш мумкин. Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефт -кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2012-йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида, жум-ладан, бундай дейилади: “Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир. Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди”⁹. 2-бобда таҳлил қилганимиздек, юртимизда тўқимачилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариши паст даражада. Шунини таъкидлаш зарурки, тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун барча хом-ашё мавжуд. Қишлоқ жойларда тўқимачилик корхоналарини барпо этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки тўқимачилик учун керакли бўлган хом-ашёларни асосий қисми қишлоқ жойларда

⁹ Султонов А.: “Саноатда диверсификациялашни бошқариш: ташкилий-иқтисодий механизмлар”.

“Бозор, пул ва кредит”. – Т.: 2013, 3-сон

етиштирилади. Бугунги кунда саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштириш ҳамда мамлакатимиздаги хом-ашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноатини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, енгил саноат тармоғини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун тармоққа инвестициялар киритишни кенгайтириш ва уларни самарали бошқариш ҳозирги куннинг долзарб масаладир. Бу борада ўзбекистан Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтадилар: “Биз қудратли тўқимачилик ва енгил саноатни ташкил этиб, пахта билан эмас, балки барча ривожланган мамлакатлар каби тайёр маҳсулотлар билан савдо қилмоғимиз зарур”¹⁰. Тўқимачилик саноати жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатлари учун азалдан саноатлашишнинг биринчилар қаторида фаолият юритувчи соҳаси бўлиб келган. Масалан, Франция, Германия, АҚШ каби мамлакатларда тўқимачилик маҳсулотларининг саноат ишлаб чиқариши тузилишидаги улуши 6-8 фоизни, Италияда эса 12 фоизни ташкил қилади. Бу бюджетнинг 20 фоизгачасини тўқимачилик соҳаси ва кийим-кечаклар тикиш ҳисобига шакллантириш ҳамда ички бозорни шахсий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан 75-85 фоизга тўлдиришга имкон беради¹¹. Шу жиҳатдан, тўқимачилик саноати корхоналарининг жаҳон технологик занжирига қўшилишини таъминлаш, бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш

¹⁰ Каримов И.А.: “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Т: “Ўзбекистон”. 2010.

¹¹ Эванс Дж., Берман Б.: “Маркетинг”. Сокр. пер.с англ. М.: “Экономика”, 2009.

тўқимачилик маҳсулотлари маҳаллий бозорини эгаллашнинг қулай стратегияси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда саноат корхоналарини инвестиция фаолиятини молиялаштиришни ривожлантиришга эътибор берилаётгани сабаби, иқтисодийтимиз ЯИМида саноат маҳсулотлари устувор ўринга эга эканлиги билан изоҳланади. Ишлаб чиқариш корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш учун корхоналарни иқтисодий фаолиятини яхшилаш, уларни янги замонавий технологиялар билан таъминлаш ва инновацион янгиликларни жорий этиш зарур. Ҳозирги кунда республиканинг ҳар бир субъектида саноат тармоғини стратегик ривожлантириш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Олиб борилаётган ишлардан энг муҳимларидан бири бу - иқтисодий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда саноат корхоналарига инновацион янгиликларни жорий этилишидир. Бу эса иқтисодийда саноат корхоналари самарали фаолият юритиши мумкин бўлган янги сегментларнинг пайдо бўлишига олиб келади

Ишлаб чиқариш корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришни яхшилаш орқали корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш мумкин. Одатда, бозор иқтисодий шароитида ягона, битта маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар барқарорлиги хавф-хатарнинг юқори даражаси билан тавсифланади. Чунки, ушбу маҳсулот бозоридаги конъюктуранинг салбий ўзгариши корхона фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунга кўра, корхона анъанавий тарзда ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таркибини бозорда янги талаб шаклланган ва изчил равишда ўсиб бораётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига кенгайтириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай ҳолда, бозордаги у ёки бу маҳсулотга бўлган талабнинг қисқариши ёки нархнинг пасайиши таъсирида пайдо бўлган йўқотишлар бошқа маҳсулотларга бўлган талаб ёки нархнинг ўсиши ҳисобига қопланади. Саноат корхоналарида инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг

фаолиятига хорижий инвестицияларни, жумладан, бевосита хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда улардан кенг ва самарали фойдаланишнинг замонавий механизмини яратиш муаммосининг ечими ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни инобатга олиниши Ишлаб чиқариш тармоғи инвестиция фаолиятининг ривожланишига, тармоқ ишлаб чиқаришидаги молиявий-иқтисодий муаммоларнинг ўз ечимини топишига, қолаверса, Ишлаб чиқариш корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришга замин яратади. Юқорида кўриб чиқилган масалалар бўйича қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин:

- ишлаб чиқариш корхоналарида инвестиция фаолиятини мустаҳкамлаш ва молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида давлатнинг иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмини иқтисодиётни модернизациялаштириш талаблари асосида доимо такомиллаштириб бориш лозим;

- ишлаб чиқариш корхоналарида инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва уни молиялаштиришни такомиллаштириш орқали янги иш ўринларини яратиш мумкин. Бунинг натижасида меҳнат бандлигини ошириш ва аҳолини турмуш даражаси яхшиланади;

3.2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш корхоналарини инвестиция фаолиятини молиялаштиришда хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида маҳаллий инвестициялар билан бирга хорижий инвестицияларнинг ҳам ўрни беқиёс эканлигига амин бўлдик. Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида таъкидлаганларидек, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида - хорижий инвестицияларни биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни кўрсатиб ўтганликлари ҳам

бу масаланинг қай даражада муҳимлигидан далолат беради.¹² Бизга маълумки, давлат кафолатисиз хориж сармояларини киритиш катта самара беради. Шунинг учун имкон қадар ҳукумат кафолати билан келадиган чет эл инвестицияларини чегаралаб, уларнинг ўрнига хусусий инвесторлар ёки ташаббускор инвесторларнинг келишини рағбатлантиришни ташкил этиш зарур. Шунингдек, кейинги йилларда Ишлаб чиқариш корхоналарида хом-ашёларни қайта ишлашни таъминлаш ва республикада тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш учун хорижий сармояларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида хорижий сармоядор фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунчилик ҳам узлуксиз такомиллашиб бормоқда.

Хорижий инвесторлар сармояларининг кафолати учун яратилган қонунчилик базасининг шаклланиши билан бир қаторда, Президентимиз И.А.Каримов: “Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, инвестициялар биринчи навбатда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими - бу, чет эллик шерикларимиз республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигини тан олгани, уларни биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини яна бир тасдиғидир”¹³, деб изоҳдайдилар. Шундай ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 15-декабрда имзоланган “2011-2015 - йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ПҚ-1442-сонли Қарори бўлиб, у ишлаб чиқариш корхоналарига сармояларни жалб қилиш муҳитини тубдан ўзгартириш имкониятини яратди. Ушбу қарор асосида 2011 – 2015 - йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастур маъқулланди. Дастурга киритилган лойиҳаларни амалга

¹² Каримов И.А.: “Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз”. “Халқ сўзи” газетаси, 2002-йил 14-феврал.

¹³ Каримов И.А.: “Еришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан бориш – асосий вазифамиз”. “Халқ сўзи” газетаси, 2004-йил 11-феврал.

ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, материаллар ва бутловчи буюмлар 2016-йилнинг 1-январига қадар муддатга божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) уларни қабул қилаётган мамлакатга ижобий натижалар келтириши борасида жиддий далиллар мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечириётган мамлакатларга таъсири кенг капитал оқими нуқтаи назаридан чуқур ва ҳолис баҳолашни талаб этади. Айтиш жоизки, айрим турдаги иқтисодиётлар учун ТТХИ таъсирининг табиати ва даражаси мамлакат иқтисодий тараққиётининг босқичи, иқтисодий сиёсат ва умумий ишбилармонлик муҳити орқали белгиланади. Ушбу хусусиятлар ўзаро яққол фарқлангани боис, ички иқтисодиёт учун ТТХИнинг таъсири ва улар туфайли олинган фойда ҳар бир алоҳида мамлакатда турлича бўлади. Иқтисодиётнинг ёпиқ турида ёки капитал оқими чегараланган мамлакатларда ички инвестициялар ҳажми ички жамғармалар билан чекланади. Бундай ҳолатда хорижий капиталнинг кириб келиши мамлакатдаги инвестициялар даражасининг ўсишига олиб келади. Ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечириётган мамлакатларда ТТХИ оқими муайян меҳнат самарадорлигини оширибгина қолмай, балки ишчи кучи бандлигини ҳам таъминлайди. Йирик капиталнинг кириб келиши, ўз навбатида, уни қабул қилувчи мамлакат валютаси қадрининг ошишига ҳам олиб келиши мумкин. ТТХИнинг нафақат молия манбаи, балки уларнинг ўзга мамлакат иқтисодиётидан келиб чиққанлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки ТТХИ нафақат капитал ва хорижий валюта олиб келади, балки улар янги технологиялар, бошқарув ноу-хаулари, янги маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш услубларининг ҳам жорий қилинишига олиб келади. Ишлаб чиқариш корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш иқтисодий тараққиётни таъминлайди, инсон капиталини шакллантиради, шунингдек,

хорижий капитал иштирокида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади ва шу тариқа маҳаллий бозорда фаолият юритаётган корхоналар даромадини кўпайтиради. Демак, хорижий инвестициялар оқими рақобатни оширишда муҳим восита бўлиб, бу ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарадорликни оширишга қаратилган стратегияларни қўллашга рағбатлантиради. Хорижий инвестицияларни иқтисодий ўсишга кўрсатган таъсирига келсак, хорижий инвесторлар инвестиция киритилаётган мамлакат корхонасида бошқарувни назорат қилиш ҳуқуқи билан бирга, одатда, 25 ёки ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган узок муддатли мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Хорижий инвестициялар иқтисодиётнинг барча соҳаларида, жумладан, Ишлаб чиқариш тармоғида ҳам капитал, бошқарув кўникмалари, жаҳон бозоридаги мавжуд сотиш каналлари каби етишмайдиган элементларни таклиф этиш орқали экспортни рағбатлантириши мумкин.

“2014-йилда иқтисодиётимизга жалб килинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга усди ва АКШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил етди. Бунда жаъми капитал куйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиги инвестиция ва кредитлар ташкил етади. Уларнинг туртдан уч қисми хорижий инвестициялардир.”¹⁴

Наманган вилоятида 2014-йилда барча манбалар ҳисобидан қарийиб 1,6 триллиондан ортик инвестийиялар узлаштирилиб, 2013-йилга солиштирганда 134,3 фоиз усиш табминланди. Шу даврда 928,3 миллиард сумлик қурилиш ишлари бажарилди.

Наманган вилоятида 201-йилда барча манбалар ҳисобидан қарийиб 1,6 триллиондан ортик инвестиция узлаштирилиб, 2013-йилга нисбатан 134,3

¹⁴ Президентимиз И.Каримов мамлакатимизда 2014-йилда тижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015-йилда мулжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сузи” 2015 йил 17 январь

фоиз узиш таъминланди. Шу даврда 928,3 миллиард сумлик курилиш монтаж ишлари бажарилди. Утган давр мобайнида худудий инвестиция дастурида 18 та лойиха буйича 16,5 миллиард микдорда тугридан тугри инвестициялар жалб этилиб белгиланган топширик 108,4 фоизга бажарилди.

Республика ҳукумати ташаббуси билан худудларда фойдаланилаётган захиралар ва худудий ривожлантириш учун устувор тармоқларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган “2014-2015 йилларда ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастури” бугунги кунда уз самарасини курсатмоқда. Дастур доирасида 2014-йилнинг узида 392 та Ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилиб, қушимча 220,0 миллиард сумлик ишлаб чиқариш қувватлари яратилди. Бунинг ҳисобига 2014-йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қарийиб 2,0 триллион сумга ошди. Янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш билан бирга корхоналарда қувватларни ошириш мақсадида модеренизация қилиш, техник технологик жиҳатдан янгилаш ишларига ҳам алоҳида ётибор қаратилмоқда. Хусусан, 2014-йилда 180 та корхонада модеренизация қилиш, техник технологик жиҳатдан янгилаш ишлари олиб бори шва қушимча 4443 та янги иш уринлари яратиш белгиланган еди. Қурилган чора тадбирлар натижасида 87,6 миллиард сум маблағ сарфланиши ҳисобига барча лойихалар тулик бажарилди. Жумладан, “Дустлик-А”, “Азиз-94”, “Маҳсус метал саноат” каби корхоналар жихозланди.

Наманган вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг 232-сонли қарори ва мамлакатимизда 2011-2015 йилларда саноат тармоғини устувор даражада ривожлантиришга қаратилган Дастурлар доирасида белгиланган инвестицион лойихалари бажарилиши суёт бормоқда ва кечиктирилишга йул қуйилмоқда. Бундай вазиятда ички инвестицияларни қупайтириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ булади.

Хулоса

Мамалакатимиз мустакилликга еришган кейинги йилларда ишлаб чиқариш корхоналарининг самарадорлигини ошириш борасида бир катор ишлар олиб борилди. Ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва корхонадаги янгиликлар киритиш билан узаро боғлиқдир. Корхонадаги узгаришлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасини юксалтиришга олиб келади. Амалга оширилаётган узгаришлар, иқтисодийни модеренизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, юқори технологияга асосланган янги ишлаб чиқаришни ва ишуринларини ташкил этиш. Пировард натижада Миллий иқтисодийда барқарор узишни таъминлаб беради. Миллий иқтисодийни ривожлантиришда ишлаб чиқариш корхоналарини урни ва ахамиятини урганган корхоналар, утказилган тахлиллар ва кузатишлар асосида куйидаги хулосага келинди:

1. Бозор иқтисодий талаблари асосда фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналарида самарадорликни ошириш кун тартибидаги асосий масалага айланади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг самарадорлик кулами сифат ва миқдор курсаткичларини, шунингдек буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган пировард натижалар уртасидаги муносабатни ифодалайди. Самарали ишлаш дегенда мулжалдаги фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йукотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш кувватлари ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган махсуот сифатини яхшилашни англатади. Шу мақсадда ишлаб чиқариш корхоналарида махсулот таннархини пасайтириш юзасидан комплекс чора тадбирларни назарда тутадиган дастурлар ишлаб чиқиш керак.
2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози давом этаётган бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналарида яратилаётган махсулот ва миллий бозорларда харидоргир булиши учун сифатли, рақобатбардош булишини таъминлаш

лозим. Бунинг учун экспорт га махсулот чиқарадиган ишлаб чиқариш корхоналарини рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференция бериш буйича қушимча чора тадбирлар белгилаш мақсадга мувофиқдир.

3. Ишлаб чиқариш корхоналарини самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири-мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиш масаласи бугунги кунда ута долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Биз томонимиздан урганилган “Мега текстил” хоржий корхонаси фаолияти таҳлиллари курсатишича, унда мавжуд салоҳиятдан тулик фойдаланилмаётгани аниқ бўлди. Урганишлар шуни курсатадики, корхонадаги мавжуд салоҳиятдан борасида бир катор имкониятлари бор. Улардан самарали фойдаланиш, унинг ҳар бир бирлигини корхона учун юқори самара келтириш йулларини урганиш лозим.

4. Моддий харажатларни тежаш ишлаб чиқариш корхоналарида фойда миқдорини ошириш муҳим омили ҳисобланади. Бунинг учун махсулот ишлаб чиқариш жараёнининг барча элементлари ва босқичлари урганиб чиқилади. Бугунги кун талаби асосида ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ҳам ашёдан тежамкорлик билан фойдаланишга қаратилади. Моддий харажатларни тежашни муҳим омиллардан бири – улардан комплекс фойдаланишни йулга қуйишдир.

5. Бугунги кунда руй бераётган иқтисодий узгаришлар маҳаллий ҳам ашё базасида импорт урнини босадиган махсулотларни ишлаб чиқаришни йулга қуйиш. Мамлакатимиз иқтисодиётини муҳим омиллардан бири ҳисобланмоқда. Шунинг учун маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш тупланган тажрибалар мамлакатимиз иқтисодиётини ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ички талабни шакллантириш.

6. Ишлаб чиқариш корхоналарида асосий капиталдан самарали фойдаланиш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ошириш йуналишлари сифатида қуйидагиларни курсатиш мумкин :

- Ишлаб чиқариш вақтида машина ва асбоб ускуналарни турли сабабларга кура туриб қолишини қисқартириш;
- ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат интизомини катъий йулга қуйиш;
- машина ва асбоб ускуналарни иш коэффициентини аниқлаш;
- ишлаб чиқаришни илмий ташкил этиш ва ресурслар билан таъминланишини олдини олиш;

7. Ишлаб чиқариш корхоналарида модернизациялаш, техник – технологик жиҳозлаш жараёнларини, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш, иқтисодий усиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан узгартириш жараёнларини уз вақтида амалга ошириш лозим.

8. Мамлакатимиз иқтисодиётини салоҳиятини юксалтириш ва ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини оширишда ишлаб чиқаришни хом ашё йуналишларидан кура, таёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш купрок аҳамиятга егадир. Шунинг учун енгил саноатни хусусан, туқимачилик тармоқларини узаро фаолият юритишни ва инвестицияларни жалб этиш учун комплекс дастурлар ишлаб чиқиш зарур.

9. Хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари хусусан, енгил саноаткорхоналари жиҳозлашда асосий капитални замонавийлигига, ресурслар тежамкорлиги ва сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларига еътибор қаратиш керак.

10. Жаҳон иқтисодиётида руй бераётган узгуришлар ҳисобга олган ҳолда ички инвестицияларни шакллантиришга ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқариш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириш лозим. Шунингдек, ички инвестицияларни купайтириш муҳим манбалар булган корхоналарни фойдасини купатириш ва солиқлар юқини қамайтириш.

11. Мамлакатимизда қабул қилинган “2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастурида Наманган вилоятида саноат маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини инвестицион потенциални кенгайтириш ҳамда инвестициялар ролини ошириш лозим. ” Ички инвестицияларни муҳим манбалари бўлган аҳоли жамғармаларидан унумли фойдаланишни йулга қуйиш.Бунинг учун банкларни ликвидлик қобилиятини таъминлаш ,одамларни уларга бўлган ишончни ошириш

12. Аҳолини бандлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ жойларида мавжуд хом ашё ресурсларини ҳисобга олган ҳолда енгил саноат корхоналари, яъни ип-газлама ишлаб чиқариш, тиқувчи, терини қайта ишлаш ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шугулланадиган кичик корхона ва хусусий тадбиркорларни қўллаб қувватлаш, уларни хом ашё , электр энергия ва бошқа ресурслар билан таъминлашдаги узилишларга йул қўймаслик керак

13. Ишлаб чиқариш корхоналарида, уларни самарадорлигини оширишда хизмат қиладиган барча омиллардан унумли фойдаланиш орқали юқорииктисодий натижаларга еришиладиган аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб мамлакатимиз иктисодий салоҳияти юксалиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент фармонлари ва асарлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар тўғрисида» ги қонуни. қонун ва қарорлар. Т. : Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулк тўғрисида»ги қонуни. қонун ва қарорлар. Т. : Ўзбекистон, 1990.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий қорхоналар тўғрисида» ги қонуни қонун ва қарорлар. Т. : Ўзбекистон, 2003.
4. Қаримов И.А Янгилашиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир. Халқ сўзи газетаси 2007 йил 13 феврал сони
5. Қаримов И.А Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва қафолатлари Т. : Ўзбекистон, 1997.
6. Қаримов И.А Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Тошкент, Ўзбекистон, 1995 й

II. Махсус адабиётлар

7. Турсунхўжаев К «Қорхонадаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш.» Т. : Ўзбекистон, 2007.
8. Тўрақулов Ш «Эффективность функционирования промышленного производства в условиях реформирования экономики» Т.: Ўзбекистон, 1995.
9. Чжен В. «Бозор шароитида минтақанинг тармоқ тараққиёти» Т.: Ўзбекистон, 2011.
10. Гуломов С.С «Мустақил Ўзбекистон» Т.: Тошкент Ислам университети 2003.
11. Зайцев Н.А «Экономика промышленного предприятия» Москва 1996.
12. «Экономика предприятия» Москва 2000.

13. Сергеев И.В «Экономика предприятия» 1997 й
14. «Экономика организации и планирование промышленного производства» под. Ред. Санамова Ю.А Вўсшая школа 1995
15. Мескон М и другие. «Основў менеджмента» М: Дело, 1995
16. Пиндайк. Ю. Микроэкономика Таллин 1995
17. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти.

III. Статистик тўпламлар

18. «Мега текстил» ХК ҳисоботлари
19. Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари.

IV. Илмий-оммабоп нашрлар

20. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.
21. Бозор, пул ва кредит. 2014 йил сонлари

V. Интернетдан олинган маълумотлар.

1. www.Referat.ru
2. www.5balov.ru